ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

21 октябрь, сешанба 1997 йил №123 (473)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

КЎҲНА ШАҲАР ТЎЙИГА ТУҲФАЛАР

Хива шаҳрининг 2500 йиллиги тантаналарига ташриф буюрган мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 20 октябрь куни Урганчда қуриб битказилган «Кока-Кола ичимлиги» қушма корхонасини бориб кўрди. Кока-Кола компанияси вакили Гленн Симсон билан корхонанинг техник жиҳозланиши, истиқболи хусусида суҳбатлашди.

Корхона соатига 12 минг донагача идишга қуйилган ичимлик суви, кока-кола, фанта, спрайт ичимлиги ишлаб чиқаради. Бу ерда 300 киши иш билан таъминланади. Асбоб-ускуналар Германия, Франция, Испания фирмаларидан келтирилган. Муҳими, улар энг замонавий технологияга асосланган.

... Давлатимиз раҳбари бошқарув тугмасини босади. Цехларда ишлаб чиқариш жараёни бошланади.

Шу куни Президент Ислом Каримов Урганч-Хива тролейбус йўналиши билан ҳам танишди. Йўловчилар узоғини яқин қилаётган троллейбусни кўздан кечирди.

Тадбирларда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков, Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов, К. Раҳимов, Хоразм вилояти ҳокими И. Юсупов қатнашди. (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Узоқ-яқиндан ташриф буюрган қадрли меҳмонлар!

Бугун Узбекистон ҳаётида буюк бир сана — шону шавкати етти оламни тутган, қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорои шарифнинг 2500 йиллик қутлуғ тўйини нишонламоқдамиз.

Мана шу тарихий воқеа билан сиз — бугунги тантана иштирокчиларини, Бухоро аҳлини, сиз орқали бутун халқимизни муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантаналарда қатнашаётган БМТ, ЮНЕСКО вакилларига, хорижий давлатлар элчилари ва вакилларига, хориждан келган меҳмонларимизга, ахборот воситалари вакилларига сизнинг номингиздан чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни билдирмоқчиман.

Бухоро ўлкамизнинг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган, шарифлик номига сазовор бўлган муқаддас жойларидан биридир.

Бухорои «Қуббатул Ислом», яъни «Ислом динининг гумбази» ва буюк уламолар сўзи билан айтганда, «Қуввати дини Ислом» деб тан олиниши ҳам Бухоронинг жаҳонда, бугунги Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўътабар марказларидан бири бўлишидан эътирофдир.

Бухоро тарихига назар ташлар эканмиз, миллатимизнинг йигирма беш асрлик йўлини кўрамиз.

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.

X асрнинг машҳур тарихчиси, асли бухоролик Абу Бакр Муҳаммад Наршахий нақл қилишича, Бухорога туркий қабилалар асос солган бўлиб, бу ерда «сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга хуш келиб, шу ерга жойлашганлар». Наршахий шуни ҳам таъкидлайдики, энг қадимий миллий қаҳрамонларимиздан бўлмиш алп Эртунга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дафн этилган.

Бу табаррук тупроққа милоддан олдинги VI асрда эронлик Қайхусрав, милоддан аввалги IV асрда юнонлик Искандар. Зулқарнайн, милодий VII асрда араблар, XIII асрда Чингизхон, XIX асрда эса рус истилочиларининг тажовузлари не-не кулфатлар келтирмади.

Бу азим шаҳар, Кармана, Бойкент, Вобкент, Шофиркон, Ромитон, Ғиждувон каби қадимги кентларни ўз бағрига олган Бухоро воҳасида яшаган эрксевар аждодларимиз ҳар қандай истибдод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қаҳрамонона курашиб келдилар.

Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байроғини кўтарган Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Томир Хотун (Тумарис), Малика Қабаж Хотун каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпарварлик ва шижоат тимсолидир.

Ўтган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмшоҳлар, қушонлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қорахонийлар, ануштегинийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, маҳмитлар сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухорои азимда узига яраша ном ва из қолдирдилар.

Бухоро, айниқса, Темурийлар замонида гуллаб-яшнади. Жаҳон майдонида энг мўътабар шаҳарлардан бири даражасига кўтарилган Бухоро ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар маркази сифатида ном чиқарди. Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд фаолияти айнан шу йилларда кечди.

1417 йили Бухорода Мирзо Улуғбек қурдирган мадраса-дарвозасига «Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир» деган сўзлар ўйиб ёзилганида жуда катта маъно мужассам. Худди шунингдек, 1433 йили Улуғбек томонидан Ғиждувонда барпо этилган мадраса не-не авлодларга илму маърифат зиёсини тарқатган.

Бугун ҳам замин узра савлат кўтариб турган меъморчилик обидалари, масжиду мадрасалар, савдо ва ҳунармандлар тимлари, шифохоналар ва хонақоҳлар, ҳовузлар, майдонлар Бухоро бошдан кечирган буюк тарихнинг гувоҳларидир.

Бухоро нафақат юртимиз, балки бутун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган. Имом Ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Кулол, Бобои Самосий, Фагнавий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Ҳўжаев ва бошқа шу каби буюк зотлар етишиб чиққан, таҳсил олган бу макон бундан буён ҳам илму фан, маърифат ва ижод бешиги бўлиб қолаверади.

Халқимиз буюк аждодларимиз мўътабар номларини, умуминсоний маънавиятга ва умуман башарият ривожига катта ҳисса қўшган, гўзал Бухорони безаб, унга бетакрор нафосат, шакл ва салобат бахш этиб турган иморату иншоотларни, масжиду мақбараларни, мадрасаларни, Ислом динининг, Шарқ фалсафасининг ўчмас қадриятларини бугунги авлодларга мерос қилиб қолдирган буюк аждодлар номини абадул-абад сақлайди.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Бу йил Бухоро ва Хева шаҳарлари 2500 йиллик муборак саналарининг Парижда кенг нишонланиши, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилиши, бугунги байрам тантаналарида қўплаб хорижлик азиз меҳмонларимиз — олимлар, файласуфлар, тарихчилар ва дин пешволарининг иштирок этиши ўлкамизнинг илмий, меъморий ва маданий меросига халқаро жамоатчиликнинг тобора ошиб бораётган катта қизиқишидан далолат беради.

Тарихини билмаганнинг келажаги йўқ дейдилар. Бухоронинг бугунги қутлуғ айёми, энг аввало, ўтмишга эҳтиром ва буюк аждодларимиз хотирасига ҳурматимиз намойишидир.

Элим деб, юртим деб, келажагини ўйлаб заҳмат чеккан, ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатимиз равнақи учун умрини бағишлаган, ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар қолдирган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун, бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Бухоронинг 2500 йиллиги шу юртда яшаётган ҳар бир фуқарони, жумладан, ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлашга, уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга, юрак-юракдан ифтихор қилишга ўргатади. Узимизнинг бой ўтмиш меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга ундайди.

Бу тантаналар биз бугун мустақилликка эришган ягона бир халқ сифатида буюк келажак сари интилаётганимиз шунчаки орзу-ҳавас бўлмай, балки халқимизнинг тарихий салоҳияти, асрлар давомидаги давлатчилиги, маданияти ва қадриятидан келиб чиқиб қўйилган аниқ мақсад эканини тасдиқлайди.

Бу масаланинг яна бир томони борки, уни айтиб ўтмасдан бўлмайди деб ўйлайман. Биз бугун истиқлол йўлида, озод ва обод ватанимизни қуриш йўлида дадил қадам қўяётган дамларда, бизнинг шу интилишларимизни кўролмайдиган, йўлимизни тўсиб олмоқчи бўлган ёвуз кучлар тарихимизни чалғитиб кўрсатишга, ёлғон гапларни кўтаришга, шу саховатли ерда яшаётган миллат ва элатлар орасига адоват уруғини сепишга ҳаракат қилаётганларнинг тўғри баҳосини бермоғимиз даркор. Шунинг учун ҳам тарихий ҳақиқатни билиш, уни муҳрлаш, ёш авлодга холисона етказиш чуқур маънога эга.

Бу шундай ҳақиқатки, баъзи ашаддий миллатчилик йўлига ўтиб олган, узгаларни кўролмайдиган, ҳасад билан яшайдиганларнинг кучини қирқади, бошқаларнинг тинчлигини бузиш ниятида осойишта тараққиёт йўлига ғов бўладиганларнинг томирини қирқади. Фарзандларимизнинг кўзини ҳақиқатга очиб беради. Ҳақиқий тарих «Куч—адолатда» ҳикматининг нақадар тўғрилигини исботлайди.

Халқимиз ўтмишининг ажралмас қисми бўлмиш Бухоро тарихи шукуҳли ва муборак кунлар билан бир қаторда жуда оғир ва мусибатли дамларга ҳам гувоҳ бўлди. Кўплаб босқинларни бошдан кечирди, неча марта вайрон этилди, ўт ичида қолди. Бу муқаддас тупроқда бегуноҳ қонлар тўкилди, муҳташам обида, минора ва азиз-авлиёларнинг қабрлари оёқости қилинди. Аммо бухороликлар ўз она шаҳарларини мардонавор ҳимоя этдилар ва неча бор қайта қурдилар, тикладилар,

Сунгги мустамлака замонида Бухорога бўлган муносабат ҳаммамизга маълум. Инқилоб баҳонасида бу шарофатли шаҳар обидалари яна бир бор вайрона этилди, унинг асл фарзандлари қатағон қилинди. Халқ ва унинг моддий-маънавий меросига кўрсатилган бундай муносабат собиқ шўролар тузумининг қанчалик ғайриинсоний ва адолатсиз эканини кўрсатади.

Муҳтарам жамоа!

Ҳар бир халқ ўз юртига ҳақиқий эга бўлганда унинг тарихи ва салоҳияти бўй-бастини, унинг гўзаллигини дунё кўз ўнгида тула-тўкис намоён эта олади. Бугун бу қадим шаҳар туйи дунё миқёсида кенг нишонланаётган экан, бу ҳам истиқлолимиз шарофатидир.

Истиқлол куҳна Бухоро ҳаётига янги бир нафас олиб келди. Бухоро вилояти ва шаҳрида бугунги кунда замонавий саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди. Бухоро юртининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шукуҳ топмоқда.

Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг ишга тушгани дунё аҳли тарафидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Шаҳар ва вилоятда жуда катта қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

Бухоро деҳқонлари ва миришкорлари ўз саховатли меҳнати билан ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бухоронинг тенгсиз зардузи либослари, олтинга тенг пилласи, Қоракўл терилари жаҳон бозорида муносиб баҳосини олмоқда.

Шарқ меъморчилик санъатининг ноёб намуналари бўлган барча қадимий обидалар мустақиллик шарофати билан яна асл шаклига қайтмоқда.

Бухоронинг ва бухороликларнинг яна бир катта ютуғи шундаки, бугун бу табаррук заминда турли миллату динга мансуб кишилар — тожиклар, туркманлар, руслар, яҳудийлар, қозоқлар, корейслар, арманлар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари ўзбеклар билан бирга қўлни-қўлга бериб, дўстона, аҳил, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшамоқдалар.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мард ва танти, ғурури баланд, илмпарвар ва меҳнатсевар Бухоро аҳлига халқимиз номидан, шахсан ўз номимдан миннатдорлик изҳор этишни ва уларга чуқур таъзим қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўққи, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар.

Ватанимизни озод ва обод қилиш учун курашда қурбон бўлганларни, мустақиллик иморати пойдеворига биринчи ғишт қўйган ота-боболарини сира унутмайдилар.

Янги ўсиб келаётган авлодларимиз ўз тарихини, юртини, азиз-авлиёларини, осори атиқаларини бошига кўтариб, шу тариқа миллий туйғу, миллий ғурур, миллий ифтихор ҳиссиётини кукка кўтариб, умумбашарий қадриятлар хазинасига узларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Сизларни яна бир карра Бухорои шарифнинг қутлуғ туйи билан чин кўнгилдан табриклайман!

Барчамизга аждодларимизга муносиб, яна минг йилларга давомдор буюк ишлар қилиш бахти насиб этсин!

Яратганнинг ўзи бизнинг барча эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИВА ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз ватандошлар, муҳтарам Хоразм ва Хива аҳли!

Қадрли меҳмонлар!

Шу кунларда юртимизда жуда катта тўйлар ва тантаналар давом этмоқда. Кеча Зарафшон воҳасида кўҳна Бухоромизнинг муборак ёшини нишонлаган бўлсак, мана бугун халқимиз, миллатимизнинг яна бир фахри ва ғурури бўлмиш, бутун оламга машҳур гўзал Хивамизнинг 2500 йиллик тўйини шоду ҳуррамлик билан байрам қилмоқдамиз.

Сизларнинг барчангизни, аваламбор сиз — азиз Хоразм аҳлини ва бутун Узбекистон халқини, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларни ана шу шонли сана муносабати билан чин қалбдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Имкониятдан фойдаланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО вакилларига, хорижий давлатлар элчилари ва вакилларига, ахборот воситалари вакилларига узимнинг алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини узида мужассам этган бир муъжиздир.

Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир.

Бундан икки минг йил аввал яшаган римлик тарихчи Помпей Трог туркий халқларнинг энг қадимги аждодлари ҳақида шундай деб ёзган: «Бақтрияликлар, суғдлар ва хоразмликлар келиб чиқишининг қадимийлиги буйича мисрликлар билан бемалол беллаша олади. Улар меҳнатда ҳам, жангу жадалда ҳам узларини аямайдилар. Жисмоний ҳаддан ташқари кучлидир. Узларига тегишли бирор нарсани қўлдан чиқаришни истамайдилар. Фақат галабага интиладилар».

Узбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи узбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир.

Азиз юртдошларим!

Бугун миллий озодлик учун курашимиз тарихидан сўз кетар экан, биринчилар қаторида буюк Хоразм уғлонларидан Нажмидин Кубро, Жалолидин Мангуберди каби миллий қаҳрамонларимизнинг номларини зикр этамиз.

Нажмидин Кубро Чингизхон босқинига қарши жанг қилиб, қўлида озодлик байроғини маҳкам тутиб жон таслим этгани тарихий манбалардан маълум.

Хоразмшоҳлар сулоласининг энг машҳур вакили Жалолиддин ҳам ўн бир йил давомида мўғулларнинг ғарбий ўлкаларга бостириб киришларига тўсиқ бўлиб турди. Ғаним олдида бош эгмади, тиз чўкмади, ватан дея ҳалок бўлди.

Хоразм ва Хива тарихи халқимизнинг ёзув, илм-фан, санъат, маданият ва маънавият соҳаларидаги юксалиш босқичларини узида мужассам этади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айнан Хоразмда яратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун болаларимиз мактабларда ва олий ўқув юртларида урганадиган алгебра, алгоритм каби кашфиётларга асос солган Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий бу гўзал воҳа номини дунёга машҳур этган.

Атлантика уммони ортида Америка қитъаси борлигини Христофор Колумбдан 500 йил олдин башорат этиб, ҳаттоки унинг харитасини чизиб қолдирган буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний мана шу муқаддас заминда туғилган.

(Давоми 3-бетда)

БОЙ ТАРИХИМИЗ ДУРДОНАСИ

Хива — қадимий маданият учоқларидан биридир. Шаҳарда асрлар давомида барпо этилган меъморий ёдгорликлар, улардаги ранг ва шаклларнинг уйғун ва мутаносиблиги ҳам бу ерда яшаган аждодларимизнинг теран ақлу заковатидан гувоҳлик беради. Лекин замонлар юртимиз каби Хивани ҳам доимо сийлайвермади. Шаҳар неча минг йиллик тарихида кўплаб босқин ва вайронагарчиликларга дучор бўлди.

Мустақиллик шарофати билан ноёб ёдгорликларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ишларига жиддий эътибор берила бошлади. Айниқса, Хиванинг 2500 йиллиги нишонланиши, таъбир жоиз бўлса, шаҳарга иккинчи умр бағишлади. Юбилей муносабати билан кўплаб меъморий обидалар таъмирланди. Айниқса, уларга сизот сувлар хавф солишига барҳам берилди. Янги иншоотлар қурилди. Урганч аэропорти халқаро йўналишларда парвоз қиладиган улкан самолётларни ҳам қабул қилиш ва кузатиш имконига эга бўлди. Урганч ва Хива уртасида троллейбус қатнови йўлга қўйилди.

...20 октябрь оқшоми. Очиқ осмон остидаги музей — Хиванинг қутлуғ байрамига келган меҳмонлар — вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар вакиллари байрамона безатилган арк майдонидан жой оладилар. Йигилганлар нигоҳида шаҳар сеҳру синоатидан — ҳайрат, қалбида — ҳаяжон: гўё улар шу онларда олис мозий бағрида тургандек.

Майдонга давлатимиз раҳбари Ислом Каримов кириб келади. Байрам қатнашчилари Президентни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Байрам тантанаси бошланади.

Маросимда Президент Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади. Йигилганларни, бутун Узбекистон аҳлини қадимий шаҳар туйи билан самимий табриклади.

ЮНЕСКО расмий вакили Барри Лейн Хива аҳлини, Узбекистон халқини қутлуғ байрам билан муборакбод этди.

Узбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Байрам мушакларининг ранг-баранг егдуси кўҳна ва навқирон Хива осмонини мунаввар этади.

...Саҳнага санъаткорлар чиқиб келадилар. Улар Хива шаҳрининг пайдо бўлиши ҳақидаги афсона билан театрлашган томошани бошлаб берадилар. Хоразм замини саховатли, у мириш-кор зироатчилар, Беруний, Ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Феруз каби алломаю шоирлар юрти. Саҳнада 1015 йил воқеалари тасвирланади. Маъмун академияси олимларининг муборак сиймолари намоён бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар вакиллари ўз қушиқ ва рақслари билан байрам қатнашчиларини қутлаб, кўҳна Хивага эҳтиромларини изҳор этдилар. Мухтасар айтганда, шоир Омон Матчон, режиссёр Рустам Ҳамидов, бастакор Рустам Абдуллаев ижодий ҳамкорлигида тайёрланган саҳна томошаси Хиванинг узоқ тарихи, айниқса яратувчилик иштиёқи билан тула бугуни, порлоқ истиқболи ҳақида ҳикоя қилади. Бадиий лавҳаларда Хоразм аҳлининг жўшқин ва жозибали санъати яна бир карра намоён бўлади. Томоша сунгида ғайрат ва шижоат, назокат ва нафосат рамзи — «Лазги» рақси оммавий равишда ижро этилади.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантаналар шоду ҳуррамлик билан кутаринки руҳда ўтди. Байрам барча ватандошларимиз қалбида юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталикдан шукроналик, қадимий шаҳарларимиз билан фахрланиш туйғуларини зоҳир этди. Зотан, йўлбошчимиз «Шу азиз Ватан барчамизники» дея таъкидлаганидек, Бухорою Хива ҳам барчамизникидир. Байрам тантаналарида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар вакиллари иштирок этгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.

Байрам тантаналарида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур юбилейларни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари У. Раҳматов, В. Норов, Р. Баҳодиров, Президент девони ахборот маркази раҳбари С. Ҳакимов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, М. Усмонов, Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусейнов, Хоразм вилояти ҳокими И. Юсупов қатнашди.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА махсус мухбири.

ДУНЁ АРО ДУНЁ БУХОРО

Ер юзида Бухоронинг таърифини эшитмаган, уни билмаган, уни умрида бирор марта ўз кўзи билан кўришни орзу қилмаган маърифатли одам йўқ, десак асло хато бўлмас. Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган.

И.Каримов.

19 октябрь эрта тонгданоқ шаҳардаги Исмоил ал Бухорий ва Ибн Сино номидаги майдонлар, уларга туташ хиёбонлар, Арк майдони, сомонийлар боғи байрам сайлига чиққан кишилар билан лиқ тўлди. Зардузлик, патдўзлик, ганчкорлик сингари халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилигининг асл намуналари барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Бадиий ҳаваскорлик дасталарининг дилрабо куй ва қушиқлари эса кишилар завқига завқ, қувончига-қувонч қўшди. Озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг кўплаб турлари харидорлар ҳукмига ҳавола этилди. Оқшом ўз пардасини ёйиб бўлиши билан эса, байрам тантаналари эски шаҳар марказидаги Пойи Калон мажмуига кўчди. Бу ерда Бухорои Шарифнинг 2500 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Байрамга ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ижроқўмининг 13 аъзоси, 40 дан зиёд давлат вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва республикамиз вилоятларидан салкам 1,5 минга яқин киши ташриф буюрди.

Соат 17.30. Пойи Калон мажмуи байрамона безатилган. Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни байрам иштирокчилари қарсаклар билан кутиб оладилар.

Юбилей тантаналарининг чорлов мусиқаси янграйди. Президент Ислом Каримов табрик нутқи сўзлайди. Тантана қатнашчиларини, улар сиймосида бутун Бухоро халқини муборак айём билан қутлайди.

Сўз ЮНЕСКО нинг Узбекистондаги расмий вакили, жаноб Бари ЛЕЙНГА берилади. У ҳам байрам иштирокчиларини чин қалбдан муборакбод этди.

Узбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Саҳнани Бухоро санъат билим юрти хор жамоаси, «Сумалак» рақс дастаси ва Бухоро вилояти раққосалари тўлдирадилар. Улар «Бухором бор» ашуласи қуйларига мос ҳолда рақсга тушадилар.

ОЛАМЛАРНИНГ ФАЙЗИ, ШУКУҲИ ДУНЁ АРО ДУНЁ БУХОРО

Қушиқ ва рақс тингач Бухоро алломаларини, тасаввуф силсиласидаги етти пирни - Ҳожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Ҳожа Ориф ар Ревгарий, Ҳожа Али Рометаний, Ҳожа Маҳмуд, Анжир Фагнавий, Ҳожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Ҳожа Сайид Мир Кулол, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандларни эъзозловчи сўзлар бутун майдон узра жаранглаб кетади:

Она замин, обод диёр ҳур Узбекистон

Аввало сени қутлаймиз

Қутлаймиз сени буюк алломалар шаҳри - Бухоро

Муаррихи аъзам Наршахий

Муҳаддиси Акбар ҳазрат Имом Бухорий

Донишмандлар шоҳи Ибн Сино

Ҳазрат Соҳибқирон пири комил

Ҳазрати Амир Кулол

Улуғлар улуғи Ҳазрати Нақшбанд.

СИЗЛАРГА ТАЪЗИМ!

Майдонда ана шу улуғ зотларнинг табаррук сиймолари намоён бўлади. Классик мусиқа садолари остида улар саҳнани тарк этадилар.

Ҳа, Узбекистон мустақиллиги шарофати туфайли бутун мамлакатимизда бўлгани каби кўҳна ва навқирон Бухорода ҳам қисқа вақт ичида мисли-сиз ўзгаришлар рўй берди. Миллий қадриятларимиз тикланиб, халқимиз ўзлигини таниди. Айниқса, Бухоро қиёфаси тубдан ўзгарди. Тарихий ва маданий ёдгорликлари янгича жило касб этди. Бухорони бугун бутун жаҳон қутламоқда. Илм, маданият ва маърифат маскани, кўҳна Шарқ зийнати бўлган ана шу қутлуғ шаҳарга интилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, унинг тупрогини кўзига суртишга, маънавияти-ю маърифатидан баҳраманд бўлишга интилмоқда... Бухоро ҳам жаҳонга юз тутмоқда, жаҳон миқёсида шарафланмоқда.

Байрам тантаналари давомида дунёдаги бир қатор қадимий шаҳар ва мамлакатлар (Рим, Афина, Самарқанд, Париж, Вена, Мадрид, Ҳиндистон) ва бошқа юртлар номидан табрик сўзлари янгради, қушиқ ва рақслар ижро этилди. Узбекистон Мудофаа вазирлиги Бухоро гарнизони аскарлари томонидан ижро этилган «Спартак аскарлари» театрлаштирилган томошасини тантана қатнашчилари ҳаяжон билан кутиб олдилар.

Байрамда, шунингдек, «Ялла», «Тановор», «Лазги», «Зарафшон», «Гулираъно», «Анор», «Қувонч», «Гулчирой», «Дилафрўз», «Ёшлик», «Сумалак», «Айқулаш» ва дуторчи қизлар дасталари, Узтелерадио компанияси хор жамоаси, «Томоша» болалар гуруҳи ва бошқа таниқли жамоалар иштирок этдилар. Узбекистон халқ артисти, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган байрам томошаси якунида Бухоро осмонини ёруғ шуълалар қоплади - байрам салюти берилди, мушакбозлик бўлди.

А.ИСТАМОВ,
«Ишонч» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 21 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	56.16
1 Австрия шиллинги	6.16
1 Англия фунт стерлинги	125.37
10 Бельгия франки	21.02
1 Голландия гульдени	38.48
10 Греция драхмаси	2.76
1 Дания кронаси	11.39
1 БАА дирхами	20.90
1 АҚШ доллари	76.77
1 Миср фунти	22.66
1 Ирландия фунти	112.01
1 Исландия кронаси	1.07
10 Испания песети	5.14
100 Италия лираси	4.44
1 Канада доллари	55.40
10 Хитой юани	9.27
1 Қувайт динори	252.37
100 Ливан фунти	4.99
1 Малайзия ринггити	23.05
1 Германия маркаси	43.36
1 Норвегия кронаси	10.83
1 Польша злотийси	22.53
10 Португалия эскудоси	4.26
1 Сингапур доллари	49.17
1000 Туркия лираси	0.43
1 Финляндия маркаси	14.46
1 Франция франки	12.93
1 Швеция кронаси	10.10
1 Швейцария франки	52.16
1 ЭКЮ	85.33
10 Жанубий Корея вони	0.84
10 Япония иенаси	6.33
1000 Россия рубли	13.06
1000 Украина гривнаси	41.03
1000 Беларусь рубли	2.72
1 Эстония кронаси	6.06
1 Латвия лати	131.46
1 Литва лити	19.19
1 Қозоғистон тенгеси	1.02
1 Қирғизистон соми	4.47

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Одинахон Мавлонова Асака тумани халқ таълими бўлимига қарашли 1-боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. У шу кунларда пахтакорларга кўмак бериб, ҳар куни 120-140 килограммдан пахта термоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Ушбу Қонуннинг талаблари атир-упа, пардоз-андоз моллари ва тамаки маҳсулотларига ҳам тааллуқлидир.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

болаларбоп озиқ-овқат маҳсулотлари – болалар организмининг (уч ёшгача) физиологик хусусиятларига жавоб берадиган махсус озиқ-овқат маҳсулотлари;

гигиена сертификати – озиқ-овқат маҳсулоти, технология, ускуна ва бошқа жараёнлар амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчалар – озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда ҳосил қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга мўлжалланган табиий ёхуд табиийга айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари;

озиқ-овқатлар – озиқ-овқат хом ашёсидан тайёрланган ҳамда натурал ёки қайта ишланган ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлар;

озиқ-овқат маҳсулоти – озиқ-овқат хом ашёси, (шу жумладан этил спирти), озиқ-овқатлар (шу жумладан алкоголли ичимликлар) ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга;

озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи – озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият;

озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш – озиқ-овқат маҳсулотини маълум шартлар билан сотиш, етказиб бериш ва топширишнинг бошқа шакллари;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифати – озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуи;

озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги – озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослиги;

озиқ-овқат хом ашёси – озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган усимлик, ҳайвонот, микробиология, шунингдек, минераллар объектлари, сув;

озиқ-овқатларни ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини таққослаш – озиқ-овқатлар ҳамда озиқ-овқат хом ашёси аниқ турдаги ва номдаги маҳсулотга доир норматив ва (ёки) техникавий ҳужжатда белгилаб қўйилган муҳим мезонларга мос келишини аниқлаш;

озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати (фойдаланиш муддати) – бу муддат давомида озиқ-овқат маҳсулотини сақлаш, ташиш, реализация қилиш чоғида хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилган тақдирда у фойдаланишга яроқли булиб туради, бу муддат тамом булганидан кейин эса маҳсулот одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли булиб қолиши мумкин;

озиқ-овқат маҳсулотини қалбакилаштириш – озиқ-овқат хом ашёсининг ҳамда озиқ-овқатларнинг хоссалари ва мезонларини атайлаб узгартириш ёки уларни алмаштириб қўйиш;

озиқ-овқат қўшимчалари – озиқ-овқатларга белгиланган хоссаларни бахш этиш ва (ёки) уларни сақлаб қолиш мақсадида атайлаб қўшиладиган табиий ҳолдаги ёки синтез қилинган моддалар, бирикмалар;

токсикология-гигиена экспертизаси – озиқ-овқат маҳсулоти устида амалга ошириладиган бир туркум лаборатория тадқиқотлари булиб, улар мавжуд нормалар ва қоидалар билан қиёслашга мўлжалланган булади;

қадоқлаш материаллари, ёрдамчи материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар – озиқ-овқат маҳсулотини муомала жараёнида ташқи таъсирлардан ҳимоялаш мақсадида ишлатиладиган воситалар.

3-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Агар Узбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган булса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Усимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Узбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа органлар (бундан кейин матнда давлат назорати органлари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат томонидан нормалаш;

озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат руйхатидан утказиш;

озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш;

давлат назорати ва текшируви;

озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш.

5-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат томонидан нормалаш озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш шарт-шароитларига қўйиладиган талабларни ўз ичига оладиган санитария, ветеринария, фитосанитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини, давлат стандартларини, техникавий шартларни (бундан кейин матнда нормалар ва қоидалар деб юритилади) белгилаш йўли билан амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва улар озиқ-овқат маҳсулоти муомаласи соҳасида иш олиб бораётган юридик ҳамда жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

6-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат руйхатидан утказиш

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналар озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар талабларига мослиги баҳоланганидан ҳамда давлат руйхатидан утказилганидан кейин ишлаб чиқарилиши, Узбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши, реализация қилиниши ва ишлатилиши мумкин.

Узбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб кирилаётган, Узбекистон Республикаси ҳудудида муомалага рухсат берилган озиқ-овқат маҳсулотини ва ускуналарни давлат руйхатидан утказиш Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Узбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази томонидан давлат санитария назорати органлари берадиган гигиена сертификати асосида амалга оширилади.

Қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

озиқ-овқат маҳсулотининг ҳар хил турларини бир хил номда давлат руйхатидан утказиш;

айни бир турдаги озиқ-овқат маҳсулотини бир хил ёки ҳар хил номлар билан қайта-қайта руйхатдан утказиш;

таркибида гиёҳвандлик моддалари булган озиқ-овқатларни, овқатга қўшиладиган озиқ-овқат қўшимчалари, ембоп қўшимчалар ва биологик фаол қўшимчаларни руйхатдан утказиш.

7-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситаларни сертификатлаш

Озиқ-овқат маҳсулоти, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва у билан савдо қилишга мўлжалланган технологиялар, ускуналар, буюмлар ва воситалар уларнинг нормалар ва қоидаларга мослигини тасдиқлаш мақсадида сертификатланиши лозим.

Мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар руйхати ҳамда сертификатлашдан утказиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ва текшириш

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги ушбу Қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган давлат назорати органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида назорат қилинади ва текширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, харид қилиш, қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан ишлаб чиқариш назоратини таъминлайдилар. Ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш тартиби озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидаларга, норматив ҳамда технология ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар бажарадиган ишлар ва хизматларнинг хусусиятларини ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади ҳамда тегишли давлат назорати органлари билан келишилади.

Ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидаларнинг талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда ишларни амалга оширишни ва хизматлар кўрсатишни аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тухтатиб қўйишлари шарт.

Жамоат бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

9-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш

Озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқаришни, озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни, умумий овқатланиш тизимини ривожлантиришнинг республика ва минтақавий мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш чоғида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари назарда тутилмоғи керак.

10-модда. Янги озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқариш

Юридик ва жисмоний шахслар янги озиқ-овқат маҳсулотини яратиш ва ишлаб чиқариш ёки уни такомиллаштириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш чоғида озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини, яроқлилик муддатини, сифат кўрсаткичларини ва назорат қилиш усулларини асослаб беришлари шарт.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифат кўрсаткичлари, унинг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар мажбурий булиб, ушбу маҳсулотнинг норматив ҳужжатларига киритилади.

Сифати ва хавфсизлиги муайян вақт утганидан кейин узгариши ҳамда одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдириши мумкин буладиган озиқ-овқат маҳсулотига яроқлилик муддати белгиланади.

Янги озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришга, янги технология жараёнларини, ускуналарни жорий этишга улар токсикология-гигиена экспертизасидан, ҳайвонлардан олинадиган озиқ-овқат хом ашёси эса – ветеринария экспертизасидан утказилганидан ҳамда маҳсулот белгиланган нормалар ва қоидаларга мослиги ҳақида давлат санитария назорати органининг гигиена сертификати ёки хулосаси ёхуд ветеринария назорати органининг хулосаси олинганидан ва озиқ-овқат маҳсулоти давлат реестрига киритилганидан кейин йўл қўйилади.

11-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш

Озиқ-овқат маҳсулотини юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ ишлаб чиқарадилар.

Озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда белгиланган тартибда руйхатдан утказилган озиқ-овқат хом ашёсидан, озиқ-овқат қўшимчалардан, қадоқлаш ва ёрдамчи материаллардан ва улардан ишланган буюмлардан, ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Таркибида гиёҳвандлик моддалари булган озиқ-овқат қўшимчалари, ембоп қўшимчалар ва биологик фаол қўшимчаларни ишлатиш тақиқланади.

Ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотининг сифати белгиланган нормалар ва қоидалар талабларига мос булиши ушбу Қонун 7-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маҳсулотларнинг сифати эса сертификат билан ҳам тасдиқланиши керак.

Ҳайвонлардан олинадиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида ем-хашаклар, ем қўшимчалари, ҳайвонларни парваришлашда ишлатиладиган ветеринария дори воситалари ва препаратларини қўлланишга улар давлат ветеринария назорати органлари томонидан давлат санитария назорати органлари билан келишган ҳолда руйхатдан утказилганидан кейин йўл қўйилади.

Усимликлардан олинадиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида заҳарли кимёвий моддалар ва минерал уғитларни қўлланишга улар токсикология-гигиена экспертизасидан утказилганидан кейин йўл қўйилади.

12-модда. Озиқ-овқатларни қадоқлаш, ўраш ва тамғалаш

Озиқ-овқатлар ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни қадоқланган, уралган (барча муомала босқичларида сифати ва озиқлик қимматини сақланиб қолишини таъминлайдиган) ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тамғаланган ҳолда чиқаришлари шарт.

Қадоқланган ва уралган озиқ-овқатлар, овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимачалар, озиқ-овқат қўшимчалари ёрлиқларга (сукма варақаларга) эга булиши, уларда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

озиқ-овқатнинг номи;

озиқ-овқатни нимага мўлжалланганлиги (болаларга махсус мўлжалланган маҳсулотлар ва парҳез таомлар учун);

тайёрловчининг номи;

товар белгиси (белгига эга ташкилотлар учун);

озиқ-овқат таркибига кирган нарсалар, шу жумладан озиқ-овқат қўшимчаларининг номи;

озиқлик қиммати, нави;

сақлаш шарт-шароитлари;

тайёрланган санаси, яроқлилик муддати;

тайёрлаш усули (масаллиқлар ҳамда махсус болаларбоп ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);

оғирлиги;

фойдаланиш усули (биологик фаол қўшимчалар: озиқ-овқат қўшимчалари, махсус болаларбоп ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун);

мувофиқлик белгиси (маҳсулотини мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берадиган лицензияси бор корхоналар учун);

норматив ёки техникавий ҳужжатларнинг номерлари.

13-модда. Озиқ-овқатларни сақлаш ва ташиш

Озиқ-овқатларни сақлайдиган ва ташийдиган юридик ва жисмоний шахслар нормалар ва қоидаларга риоя этишлари, озиқ-овқат сифати сақланишини ва хавфсизлигини таъминлашлари шарт.

14-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилиш

Мажбурий сертификатланадиган озиқ овқат маҳсулоти юридик ва жисмоний шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини тасдиқлайдиган мослик сертификати ёки мувофиқлик белгиси булган тақдирда реализация қилинади.

Озиқ-овқат маҳсулотини чакана сотиш Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Озиқ-овқат маҳсулоти билан савдо қилишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шу мақсадлар учун ажратилган жойларда йўл қўйилади.

Қуйидаги ҳолларда озиқ-овқат маҳсулотини реализация қилишга йўл қўйилмайди:

маҳсулот сифати белгиланган нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқ булмаса, мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар учун эса мослик сертификати булмаса;

сақлаш ва реализация қилиш учун тегишли шароит булмаса;

яроқлилик муддати тугаган булса;

маҳсулот қалбакилаштирилган булса;

маҳсулотларни таққослаш мумкин булмаса.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига озиқ-овқат маҳсулотини олиб кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти ушбу Қонунда кўрсатилган нормалар ва қоидаларнинг талабларига мувофиқ булиши шарт.

Четдан олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотини етказиб берувчи уни давлат руйхатидан утказиш учун ишлаб чиқарувчининг ва экспорт қилувчи мамлакат махсус вакил қилган органнинг ушбу маҳсулот хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларини, тегишли экспертиза утказиш зарур булганида эса – озиқ-овқат маҳсулотининг намуналарини тақдим этади.

Четдан олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти, технологиялар ва ускуналар қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатланиши лозим.

Узбекистон Республикасига олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулоти сифати ва хавфсизлигининг нормалар ва қоидаларга мослиги давлат назорати органлари томонидан божхона органлари билан биргаликда белгиланган тартибда аниқланади.

16-модда. Озиқ-овқат маҳсулотини олиб қўйиш

Одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли булган озиқ-овқат маҳсулоти тегишли давлат назорати органларининг қарорига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши керак.

17-модда. Нормалар ва қоидаларга мос келмайдиган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш ва уни йўқ қилиб ташлаш

Яроқлилик муддати утган, сифатсизлиги белги бериб турган, таққослаш ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаш мумкин булмаган, шунингдек давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органлари томонидан гигиена ва (ёки) ветеринария экспертизаси ва сертификатлаш синовлари натижалари буйича овқатга ишлатиш учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олиб ташланади, у белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари унинг эгаси томонидан тегишли давлат назорати органлари билан келишиб олинади.

Озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланиш (уни қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш унинг эгаси томонидан ёки маҳсулот эгаси шу ишларни бажаришни шартнома буйича топширадиган ташкилотлар томонидан комиссия иштирокида амалга оширилади. Комиссия таркибига давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг, давлат назорати органларининг, солиқ органларининг ва жамоатчиликнинг вакиллари киради.

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳайвонларга ем сифатида ишлатилгунича ёки йўқ қилиб ташлангунича алоҳида жойда (резервуарда), алоҳида ҳисобда, миқдорини, ишлатиш (қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда сақланиши керак. Бундай маҳсулотнинг бут сақланиши учун унинг эгаси жавобгар булади.

Озиқ-овқат маҳсулотини экспертиза қилиш, йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартларини белгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ харажатларни унинг эгаси тўлайди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг эгаси давлат санитария ва (ёки) ветеринария назорати органларига маҳсулотдан фойдаланилганлиги ёки у йўқ қилиб ташланганлиги ҳақида далолатнома тақдим этади.

18-модда. Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор булган шахслар белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

Узбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри
1997 йил 30 август.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўгрисида»ги Узбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўгрисида» ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар узларининг ушбу Қонунга зид булган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 август.

САВОЛЛАРГА ҲУҚУҚШУНОС АНВАР МУРОДОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Ўғлим иш вақтида жароҳат олиб, вафот этди. Болалари балоғат ёшига етмаган. У ишлаб келган корхона маъмурияти билан ўртамизда конфликтлар юзага келяпти. Умуман, боқувчининг вафоти сабабли зарар ва нафақа тўлаш жараёни ҳақида маълумот берсангиз.

Турсуной МАМАЖОНОВА, Тошкент вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарорига биноан, вафот этган шахснинг қарамоғида бўлиб келган меҳнатга лаёқатсиз ёки боқувчининг вафот этган кунигача ундан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар, марҳумнинг вафотидан сўнг туғилган фарзанд, шунингдек, ота-оналардан бири, умр йўлдоши ёки оиланинг ишламайдиган ва вафот этганнинг уч ёшга тўлмаган болалари, укалари, сингиллари ёки набиралари парвариши билан банд бўлган бошқа оила аъзолари зарар тўловини олиш ҳуқуқига эгадир. Болаларнинг боқимандалиги назарда тутилади ва бунинг учун ҳеч қандай далил талаб қилинмайди.

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва боқувчининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар учун зарар миқдори вафот этган шахснинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан унинг ўзига ва қарамоғидаги меҳнатга лаёқатли, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларга тўғри келадиган улушни чегириб ташлаган ҳолда берилади. Шунингдек, боқувчининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи корхона вафот этган шахснинг олтита ўртача йиллик иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган даражада бир йўла бериладиган нафақа тўлайди.

***

— Бир давлат корхонасида (ёки бошқармасида) қариндош — уруғларнинг бирга хизмат қилишлари мумкин эмас, дейишди. Шу тўғри муносабатми?

Ўктам ЖАББОРОВ, Сирдарё вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (1995 йил 21 декабрда тасдиқланган) 79-моддасида «Қариндош-уруғларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қилишларини чеклаш» тўғрисида шундай дейилган: «Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари) башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари таъқиқланади.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу қоидадан истисно баъзи шахслар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.

***

— Биз Хоразм вилоятида яшаб, давлат корхонасида меҳнат қиламиз, шу билан бирга Тошкент Давлат университетида сиртдан таҳсил оляпмиз. Йилда икки марта ўтказиладиган ўқув сессияси учун иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилади: Лекин қонунчиликда ўқув юрти жойлашган ерга бориб келиш учун йўл кира пули тўлаш кўзда тутилганми?

Гулжаҳон МАМЕДОВА, Ойгул БЕКЖОНОВА, Қўшкўпир тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (1995 йил 21 декабрда тасдиқланган) 257-моддасида ўқув юрти жойлашган ерга бориб келиш учун йўл кира ҳақи тўлашдаги имтиёзлар қуйидагича белгиланган:

Иш берувчи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётган ходимларга лаборатория — имтиҳон сессиясида қатнашиш мақсадида ўқув юрти жойлашган ерга бориши ва у ердан қайтиб келиши учун йилига бир марта йўл киранинг 50 фоизидан кам бўлмаган қийматини тўлайди.

Диплом лойиҳаси (диплом иши) тайёрлаш ва уни ёқлаш ёки битирув — давлат имтиҳонларини топшириш учун бориб келинганда ҳам ана шундай миқдорда йўл кира ҳақи тўланади.

***

— Ғайриқонуний равишда кечган бир неча ойлик сарсонликдан сўнг оқланиб қайтдим. Мен аввал ишлаган корхонамда ўз вазифамда қайта шартнома тузиб, меҳнат қилишим мумкинми? Шу ҳақда аниқ маълумот беришингизни сўрайман.

М. Абдумаликов, Тошкент вилояти.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 271-моддасида кўрсатилишича, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ва ходимни бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги низолар юзасидан қарор қабул қилиш қуйидагича олиб борилади;

Меҳнат шартномаси қонуний асоссиз ёки белгиланган тартиб бузилган ҳолда бекор қилинган ёхуд ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган тақдирда, у меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган томонидан аввалги ишига тикланиши керак.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганлигининг қонунийлиги ёки қонуний эмаслиги ҳақидаги масала ҳал қилинаётганда, суд ходим билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганлигининг асоссизлигига баҳо бериб ўтади.

Ғайриқонуний равишда судланганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилиши муносабати билан ишдан (лавозимдан) четлатилган ходимга аввалги иши (лавозими) берилиши лозим, бунинг имконияти бўлмаганда эса (корхона тугатилганлиги, штатлар қисқарганлиги) ёки ишга (лавозимга) тиклаш учун монелик қилувчи қонунда назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлган тақдирда, унга аввалги ишига (лавозимига) тенг бошқа иш (лавозим) берилиши керак.

***

— Экспертиза ўтказиш жараёни ва унинг шартлари ҳақида билишни истайман.

Нодира САМАДОВА, Ғиждувон тумани, ўқувчи.

— Ўзбекистон Республикасининг жиноят — процессуал кодекси (1994 йил 22 сентябрда тасдиқланган) 173-моддасида кўрсатилишича, экспертиза тайинлаш ва уни ўтказишнинг шартлари қуйидагича кечади:

1) ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини;

2) жинсий алоқада бўлганликни, ҳодимладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса;

4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахснинг руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг ғайриқонуний қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек, жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

5) жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек, жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

6) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини;

7) гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлигини;

8) пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини;

9) портлашлар, ҳалокатлар ва фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказилиши шартдир. Иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, экспертиза ўтказилиши шарт.

ТИЛИМИЗ ҚАДРИ

Бугун ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлганига саккиз йил тўлди.

Роппа-роса 8 йил муқаддам «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқи миллий мустақиллик йўлидаги курашида қўлга киритган муҳим ғалабалардан бири эди. Халқимиз иродасини акс эттирган ушбу қонун қарийб бир аср давомида таҳқирланиб, ўз мавқеини йўқотиб қўйган ўзбек тилининг ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳаётга чуқур тадбиқ этилишига йўл очиб берди.

Мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши билан тилимиз мавқеи устуворлиги ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди. Унинг тараққий этиши учун зарур ижтимоий-сиёсий, маънавий муҳит тўла вужудга келди. Ўтган давр ҳақиқатдан ҳам муҳим миллий бойлигимиз, бебаҳо мулкимиз бўлган тилимизнинг мамлакат ҳудудида кенг қадр топган, туркий дунёнинг етакчи тили сифатида эътироф этилган даври бўлди дейиш мумкин. Мамлакатимизга ташриф буюраётган кўпчилик сиёсат, жамоат ва маданият арбоблари хорижлик оддий фуқаролар (инглизлар, японлар, французлар ва бошқалар) ўз фикрларини она тилимизда изҳор этишга интилаётган ҳоллар тобора кўпаяётгани, руслар, украинлар, латишу литваликлар ўзбек тилида эркин муомала қилишаётгани, ўзбекча куй ва қўшиқларни маҳорат билан ижро этаётганлари ўзбек тилининг обрў=эътибори муттасил ошиб бораётганининг ёркин далилларидир.

Ҳа, республикамизда она тилимизнинг ҳар томонлама ривож топиши учун зарур ижтимоий=сиёсий, ҳуқуқий асослар яратилди. Эндиликда унинг бундан кейинги равнақини таъминлаш кўп жиҳатдан ўзимизнинг - олиму фузалоларимиз, адабиёт ва санъат аҳли, ишчи=ю деҳқон - барча фуқароларимизнинг саъй-ҳаракатлари, интилишлари самарасига боғлиқ. Мактаблар ва олий ўқув юртларида халқимизнинг миллий қадриятлари, тарихи, маданияти, урф=одатлари, бой илмий=маърифий мероси ва бошқа ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган дарсликлар яратиш йўлидаги ҳаракатлар қанчалик тез ниҳоясига етказилса - шунчалик тилимиз мавқеи ўсади.

Ўз она тилини чуқур ўрганиш, буюк илмий кашфиётларни шу тилда баён эта олиш, тилимизни ҳурмат қилишда бошқаларга намуна кўрсата олишга қанчалик тез эришсак - боболар руҳи биздан шунчалик шод бўлади.

Баъзилар ўзбек тили мавқеини ошириш учун мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатлар уни ўрганишларини таъминлашни талаб этадилар. Бу тўғри талаб. Лекин бунга маъмурий йўл билан эришиб бўладими? Бизнингча, йўқ. Энг аввало ҳар бир ўзбек фарзанди ўз тилини чуқур ўрганиши, ҳурмат қилиши ва фахрланишига эришишимиз керак. Қизил империянинг аянчли қусурларидан бири бўлган тилга эътиборсизлик, беписандлик балосидан онгимиз, тафаккуримизни тозалашимиз зарур.

Бунинг учун лоақал халқимизнинг энг азиз қадриятларидан бири - шеъриятга бўлган муҳаббатни, шеъриятдан оладиган маънавий лаззат туйғуларини қайта тиклашдан ишни бошлашимиз мумкин. Қадимги шеърхонликлар - навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик ўқишларини бугун ҳам давом эттириш мумкинку. Ота-боболаримиз ярим кечагача қора чироқлар ёруғида китобхонлик қилишган. Ҳозир чароғон хонадонларда ҳашаматли маданият саройлари, уйларида, клубларда тилимизнинг сеҳрли жозибасини мўъжизакор таъсир кучини, роҳатбахш қудратини фарзандларимиз, фуқароларимиз онгига сингдириш мумкинку!

Асримиз бошида ҳаётимизга кириб кела бошлаган бир актёр театри, турли бадиий ўқишлар, қироатхонликларни ҳар бир маҳаллада, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида тиклаш пайти келди чоғи. Хуллас, ўзбек тили - она тилимизнинг бугунги байрамини нишонлар экан, юқоридаги фикрлар хаёлдан кечди. Азиз юртдошларимизни бу қутлуғ айём билан қутлаб, айни пайтда тилимизнинг бундан буён ҳам дунёдаги энг бой тиллардан бири бўлиб қолиши учун ҳар биримиз ўз муносиб улушимизни қўшишимиз ҳам кераклигини ўйладим.

Шундагина биз истиқлол бахш этган буюк неъматларимиздан бири бўлган тилимиз мақомини юксакликларга кўтара оламиз.

Ўзбек тилини ўрганиш мамлакатимиз ҳудудида яшовчи барча фуқароларимиз учун чуқур маънавий эҳтиёжга айланади.

Саид ВАЛИЙ

ҚАЛЪА ДАРВОЗАЛАРИ

Маълумки, Хоразм воҳасида иморатлар дарвозасиз қурилмайди. Мозийдан қолган ушбу анъана ҳаётий эҳтиёж тақозоси эканлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Дарвозалар одатда ўйма қалин ёғочдан, учи найзамон қаттиқ металлдан, нақшли ислимий гулли мис ёки тилло қопланган жисмлардан ясалади.

Дарвозалар тарихнинг қайси даври маҳсули эканлигига оид баҳслашувлар эса аҳли донишлар ўртасида неча ўн йиллардан буён давом этиб келади. Бировлар уни ибтидоий жамоа даврининг мероси дейишса, яна бошқа бирлари эса қулдорлик ёки илк феодал тузумининг ҳарбий-мудофаа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳимоя воситаси деб тушунадилар.

Тарихий манбаларда Хиванинг 4,10, ҳатто 14 та дарвозаси бўлганлиги тилга олинади.

Хўш, бугун ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлаётган қадимий шаҳарларда қалъа дарвозалари чиндан ҳам тўрттами ёки ўн тўрттамикин?

Дарвоза атамаси қадимги Хоразмийлар тилида «дар» — эшик, «воза» — очиқ деган маънони англатади. Амалда дарвозалардан от ва туялар, аравалар, бутун бошли карвонлар, тўп-тўп навкарлар бемалол кириб-чиққан. Дарвозалар қўрғон, қалъа, сарой, боғ ва ҳовлиларни безаган. Демак дарвозалар бизга узоқ аждодларимиздан мерос, у даврдан-даврга ўтиб, такомиллашиб ва сайқал топиб келяпти. Дарвозалар ҳозир ҳам иморатларимизга кўрк бағишлаб турибди. Шу ўринда ўзбек миллий қомусининг 3-жилди, 561-саҳифасидаги ушбу сатрлар эътиборни тортади. «Ҳар бир шаҳарнинг бир нечтадан дарвозаси бор эди. Масалан: Тошкентнинг 12 та, Бухоронинг 11 та, Хиванинг 4 та дарвозаси ҳар куни қоронғи тушиши билан ёпилиб, эрталаб барвақт очилган ва уни доимий қўриқловчи дарвозабонлари бўлган».

Дарҳақиқат, қалъа дарвозалари замона зайлига, ҳоким ва хонлар майлига қараб қурилган, ўзгартирилган. Айрим даврларда эса, мамлакат куч-қудратининг тимсолига ҳам айланган.

Тарих фани билағонлари С. П. Толстов, Е. Массон, Я. Ғуломовлар қадим қалъаларда бир ёки иккитадан ортиқ дарвоза бўлмаганлигини қайд этадилар. Негаки, дарвоза ҳарбий-стратегик истеҳком воситаси бўлиб, қалъани қўриқлашда муҳим аҳамият касб этган. Ундан кимлар кириб-чиққанлиги ҳам назорат қилиб борилган. «Шаҳар бедарвоза эмас» дейилганининг боиси ҳам шу.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хива ер юзидаги энг кўҳна осори атиқалардан саналади. Бобил (Вавилон Троя, Пальмира, Махенжо-Доро, Макка, Истамбуль (Константинополь) Қуддус, Мавр, Самарқанд, Деҳли, Варанаси, Банорас, Бухоро шаҳарлари қаторида тилга олинади. Эндиликда «ўлик» қалъалар сирасига кирган Бобилнинг дарвозалари қурилиш услубига кўра Хивага ниҳоятда ўхшаб кетади. Бу ўхшашликни тарихнинг ҳазилига ёки жумбоғига йўйиш мумкин. Бироқ, ҳанузгача ўз илмий ечимини топгани йўқ.

Қадимий Хива қалъаси атрофларини ҳамшаҳар, доирасимон ҳовузлар, қалин деворлар қуршаб турган. Мозийда унинг фақатгина 2 та дарвозаси мавжуд бўлганлигини археолог-олимлар эътироф этишган. Дарвозанинг бири жануб, иккинчиси эса шимол томонга қаратиб қурилган. Шимолий дарвоза доимо берк бўлган. У фақатгина ўта қалтис дамларда, махсус рухсатнома берилгандагина очилган.

Буни IX—XIV асрларда ўлкамизга ташриф буюрган Хитой сайёҳи Ван-Гу, араб олимлари Мақсудий, Ибн Фазлон, Хавқал, Ибн Батута ва бошқалар ўз хотираларида ёзиб қолдирганлар.

Хитой манбаларида Амударё Гуй-шуй (катта сув) кўҳна Урганч Ур-га, Ур-га (баъзан Ю. ЕН-ЖИ), Хива қалъасининг номи Хе-бо (яъни сув бўйидаги қалъа—қўрғон) ибораси билан тилга олинади.

Сўнгги йилларда олиб борилган илмий кузатишлардан аён бўлдики, «Хи» ёки «Хе» бирикмаси билан бошланган номлар (сув, дарё, жой, орол, тепалик, қўрғонлар) ер юзининг 25 нуқтасида учрайди. Тинч океанининг 140x110 параллелида жойлашган (Франция мулки) Кохор оролларининг номи Марказий Хива, мини-Хива деб юритилади. Демак, Хива атамаси қадимий Хоразмийлар тили билан бевосита боғлиқ. Қалъанинг номи ва унинг дарвозалари ҳақида сўз юритиш ўлкамиз тарихининг бизга қоронғу томонларини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Ҳукмдорлар жангларда ғолиб чиққан аскарларини кутиб олиш учун махсус арк дарвозаларини барпо эттирган. Бундай удум Хоразмда ҳам бўлган. Ичон қалъанинг 4 та дарвозаси чор тарафга қаратиб қурилган. Дешон (ташқари), қалъадаги 10 та дарвоза эса Хива хонлигининг кейинги мозийдаги ривожланиш босқичларини яққол акс эттиради. Ичон ва Дешон қалъа дарвозаларини қўшалоқ номлар билан, чунончи, Урганч дарвоза, деб ҳам атаганлар. Бундан ташқари кўҳна шаҳарнинг ясовул боши Гандимен, шайхлар, Жалил эшон деб аталувчи дарвозалари ҳам бўлган. Минг афсуски, қонли урушлар уларнинг аксариятини ер билан яксон қилган. Мазкур дарвозаларнинг кўпчилиги Муҳаммад Раҳим хон (1804—1825), Оллоқулихон (1825 — 1843), Амин хон (1852 — 1855) ҳукмронлик қилган йилларда бунёд этилган ёки қайта таъмирланган.

Комилжон НУРЖОНОВ,
Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИВА ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маккаи Мукаррама Амири Ибн Ваҳҳос X асрда яшаб ўтган яна бир буюк ватандошимиз — Араб тилининг мукаммал грамматикасини яратган инсонни улуғлаб: «Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк Маҳмуд Аз-Замахшарийдек алломани дунёга келтирди», деб тасанно айтган эди.

Бундан минг йил муқаддам кишилик тарихидаги илк академиялардан бўлмиш — Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Хоразм ва Хива заминида яшаган Паҳлавон Маҳмуд, Султон Вайс, Насириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳовуддин Валад ва унинг буюк фарзанди Жалолиддин Румий, Абулқосим Али Хоразмий, Исмоил Журжоний, Сирожиддин Саккокий, Мунис, Огаҳий, Баёний, Сафо Муғанний, Чокар, Шерозий, Ҳожихон, Бола бахши каби ўнлаб ва юзлаб алломалар, шоирлар ва санъаткорлар номини биз — бугунги авлод вакиллари чексиз эҳтиром билан тилга оламиз ва бошимизга кўтарамиз.

Биз бугун Хиванинг 2500 йиллик тарихига назар солар эканмиз, тарихнинг энг суронли даврларида ҳам аждодларимиз озодликка, маърифатга, яратувчиликка интилиб яшаганларига гувоҳ бўламиз. Бугун салобат билан кўкка бўй чўзиб турган тарихий ёдгорликлар, нодир обидалар ва осори атиқалар шундан далолатдир.

Зеро, қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи Буюк ипак йўли мана шу макондан ўтган. Бу йўл нафақат савдо кўприги вазифасини бажарган, балки узоқ асрлар давомида турли миллат ва мазҳабларга мансуб кишиларни ўзаро яқинлаштирган, турли халқларнинг илму фанини, маданиятларини ўзаро бойитган.

Ҳар қандай миллат ҳам Хивадай масканни яратгани ва асрлар мобайнида эъзозлаб сақлагани учун ғурурланишга ҳақлидир. Чунки Хива юртимизнинг зийнати бўлиб қолмай, умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилган, бундан буён ҳам хизмат қилади. Ичонқалъа ва Дишонқалъа мажмуи, хусусан, Шерғозихон, Муҳаммад Раҳимхон, Исфандиёрхон мадрасалари халқимизнинг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган юксак салоҳияти, нафис маҳоратига, миллий маданиятимизга қўйилган бебаҳо ёдгорликдир.

Азиз ватандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага диққатингизни қаратишни истардим. Мустамлакачилик йилларида халқимизнинг сиёсий тарихи ҳар томонлама ерга уриб келинди, таъқиб остига олинди. Бутун жаҳонга номи кетган алломаларни ва мутафаккирларни саводсиз, жоҳил, илму маърифат душмани деб таҳқир этишга уриндилар.

Барчамизга яхши маълум: Хиванинг мадрасаларида илмфан чўққиларини забт этган, мана шу зиё ва билим масканларида таълим олган олим-мутафаккирлар, дин пешволари нафақат Узбекистон ва Урта Осиё тарихида, дунёнинг узоқ-узоқ юртларида ҳам ўз муътабар номларини, ўчмас изларини қолдирганлар. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди деб ўйлайман.

Минг бора шукроналар бўлсинким, адолат яна қарор топди. Буюк аждодларимизнинг номлари яна тикланди.

Ватанимиз тарихида сиёсий жиҳатдан қудратли, иқтисодий фаровон салтанатлар бўлганига ва уларда илм, маданият-маърифат кенг ривож топганига бугун ҳеч ким шак келтиролмайди.

Шу маънода, хоразмшоҳлардан Отсиз, Текиш, Эл Арслон, Султон Муҳаммад, Хива хонларидан Абулқозий Баҳодирхон, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ва бошқаларнинг фозил инсонлар, маърифатли ва етук сиймолар бўлганларини эслаб ўтишимиз жоиздир.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги тантаналар — қадимий Хиванинг 2500 йиллик тўйини нишонлашимиз маънавий ислоҳотларимизнинг узвий бир қисмидир.

Хиванинг тўйи ёш авлод қалбида ўзлигини англаш, бебаҳо меросимизга ворислик, халқ яратувчилик даҳосига ҳурмат, бунёдкорлик ишларига рағбат туйғуларини уйғотишига ишонаман. Хиванинг тўйи халқимизнинг ўз ўтмишига, миллий қадриятларга самимий иззат-эҳтиромини янада кучайтирмоғи муқаррар.

Биз бугун ҳар бир интилиш — ташаббусимизда, олдинга қўйилган ҳар бир қадамимизда аждодларимизнинг уйғоқ ва мададкор руҳини сезиб турибмиз.

Шу нуқтаи назардан, Хиванинг тўйи фақатгина тарихимизнинг бебаҳо саҳифаларини тиклаш, маданиятимизни бойитиш йўлида хизмат қилиб қолмай, балки бевосита олий мақсадимиз — келажаги буюк давлатимиз пойдеворини шакллантириб, ўзимизнинг миллий анъаналаримизга суянган дастурлар асосида тараққий топган демократик давлатлар қаторида жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига хизмат қилажак.

Мен шуни алоҳида ғурур ва мамнуният билан айтаманки, асрий ва бетакрор обидалар, минг йиллик анъаналар билан бир қаторда, Хоразмнинг яна бир улуғ ва улкан бойлиги бор. Бу бойлик — шу муқаддас заминда яшаб келаётган оқ кўнгил, бағри кенг, меҳмондўст, лафзи ҳалол инсонлардир. Хоразмни Хоразм қилиб, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиб, довруғини дунёга таратаётган шу элнинг ақл-заковати, омилкорлиги, билим ва тажрибаси, сабот-матонатидир.

Қадимдан деҳқончилик маданияти гуркираб ривожланган Хоразмнинг миришкор деҳқонлари салоҳияти тўғрисида алоҳида тўхташни истардим.

Узингиз ўйланг, милоддан аввалги VIII-VII асрлардаёқ узунлиги 60-70 километр, эни 345-40 метр бўлган каналлардан иборат мураккаб ва улкан сунъий суғориш тизимларини яратиш, деҳқончилик қилган кўҳна Хоразм аҳли заковати ва матонатига қойил қолмай бўладими.

Қуш учса қаноти куядиган Қорақум саҳроси билан йил ўн икки ой мардона олишиб, ҳар бир томчи сувни гавҳардек авайлаб мўл ҳосил етиштириш ҳар қандай деҳқоннинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунга фақатгина деҳқончилик илмининг пири бўлиб кетган хоразмлик миришкорларгина қодир.

Агар мендан ҳақиқий қаҳрамонлик намунаси нима, деб сўрашса, хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонликдир, деб жавоб берган бўлардим.

Мана бу йил ҳам Хоразм аҳли пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этди. Бу ғалаба ҳақиқатан ҳам ватанимиз нишони бўлмиш гўзал Хиванинг 2500 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, сиз — азиз Хоразм деҳқонларини, барча Хоразм аҳлини мана шу тўёна билан яна бир карра муборакбод этишга руҳсат бергайсиз.

Буюк аждодлар хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиром хоразмликлар табиатининг ўзига хос жиҳатидир. Воҳа аҳли мустақиллик йилларида яна бир эзгу ва савоб иш билан мамлакатга намуна бўлди: вилоятда халқимизнинг атоқли намояндалари шарафига 20 дан зиёд боғлар бунёд этилди. Навоий боғи, Қодирий боғи каби жозибадор гўшалар ижод ва яратувчилик туйғусига ошно бўлган ҳар бир инсонни бағрига чорламоқда.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам хоразмликлар шахдам қадамлар қўймоқда. Мамлакатимиздаги энг йирик қанд заводи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда, қанчадан-қанча янги корхоналар ишга тушмоқда. Урганч аэропорти қайта таъмирланди. Урганчдан то Хивага қадар 24 километрли троллейбус йўли ишга тушди.

Хива шаҳри таъмирланиб, янги чирой ва сайқал касб этди. Бу хайрли ишлари учун Хоразмнинг саховатли қурувчи ва меъморларига барча меҳнаткашларига самимий ташаккур билдириб, уларга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларида омад тиламоқчиман.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Биз, Ўзбекистон аҳли, шуни яхши англаймизки, дунёдаги барча халқларнинг келажаги башарият ўзининг бутун тарихи давомида яратган буюк умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, авайлаб асраш ва янада ривожлантиришга боғлиқдир.

Янги минг йилликка қадам қўяр экан, улуғ маданий ва маънавий анъаналарнинг вориси бўлмиш бизнинг халқимиз ўз истиқболини дунё ҳамжамиятига кириш, бутун сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган ҳолда кўради.

Бугун ўтказилаётган тантаналар ҳам, бу тантаналарда жаҳоннинг турли минтақаларидан келган буюк олимлар, тарихчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари арбоблари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО раҳбариятидан ваколатли меҳмонлар қатнашаётгани ҳам бунинг яққол далолати ва исботи деб биламан.

Хивадаги мангуликка дахлдор обидалар ўзбек халқининг насл-насаби қадимий ва мўътабар эканлигини дунёга кўз-кўз қилиб турибди. Биз бундан ғурурланиш билан бир қаторда, зиммамизда чуқур маънавий масъулият юкини ҳам ҳис этмоғимиз даркор.

Бу масъулият — отамерос юртимизни жон-дилдан севиш, асраб-авайлаш, келажак авлодларга янада гўзал, янада обод қиёфада етказиш бурчидир.

Шундай муқаддас ва мўътабар диёрда туғилишнинг ўзи катта бахт.

Комил ишонч билан айта оламанки, бизнинг озодлигимиз, ҳурриятимиз қудрати билан бутун мамлакатимиз, жумладан, Хоразм воҳаси ҳам ҳадемай ўз тараққиётининг янги ва юксак даврига киради.

Бу табаррук заминдан етишиб чиқадиган юзлаб хоразмийлар, берунийлар, замахшарийлар ўзларининг тенгсиз салоҳияти билан жумлаи жаҳонни ҳайратга солади. Ўзларига қанот берган Хоразм диёри шон-шуҳратига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Бизнинг бугунги бунёдкорлик ишларимиз, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, буюк тарихимиз, беқиёс маънавий меросимиз ана шу ишончга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Азиз ватандошларим, дўстларим!

Хиванинг қутлуғ тўйи билан ҳар бирингизни яна бир карра чин дилдан қутлаб, барчангизга энг эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Она Ўзбекистонимиз, муқаддас Хоразм замини гуллаб-яшнасин, файзу баракага тўлсин!

Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар — миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш гўзал Хивамиз дунё тургунча турсин!

Халқимизнинг, миллатимизнинг шон-шуҳрати янада зиёда бўлсин!

Бахт, омад — ёримиз, Оллоҳ — мададкоримиз бўлсин!

ХИВА

Хива — ҳар бир тошга халқим
ўтмишин битган шаҳар,
Бўй олиб, айни камолот
ёшига етган шаҳар.

Ҳар равоқ, ҳар битта кошин
мозийдан сўзлар бугун,
Элда Куброни улуғлардин
улуғ этган шаҳар.

Бўлди ҳар ишда мададкор руҳи
Паҳлавон пирнинг
Бошга иш тушганда пир
дуоси асқотган шаҳар.

Ўсди Абулғози, Феруз
оғушингда баркамол,
Алла айтиб Огаҳий,
Мунисни тебратган шаҳар.

Сервиқор мадраса, мачит,
нилий гумбазлар аро,
Бола бахши, Ожиза
созини янгратган шаҳар.

Чиқди истиқлол қуёши
бошинг узра нур сочиб,
Чақнатиб зулматни буткул
эрка тонг отган шаҳар.

Хоразм тилло узук эрса
ёқут қоши ўзинг,
Неки бор наққош жилосин
кўксига битган шаҳар.

Кўчалар ҳар лаҳза гавжум
турли сайёҳлар билан,
Юз очиб жумла жаҳонга
довруғи кетган шаҳар.

Ҳар сафар боққанда лол,
мафтуний Давлатёр каби,
Ҳуснига неча нигоҳни
маҳлиё этган шаҳар.

Қўзи ДАВЛАТ.

ЖАДИДЧИЛИК ВА ИСТИБДОД

Тарихчи олимларнинг катта бир гуруҳи Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш йўлида ижодий меҳнат қилаётгани маълум. Янги тарих Россия босқинидан бошланиб, бугунги муборак истиқлол кунлари билан якунланади. Олимларнинг олдидаги асосий вазифа мана шу даврдаги тарихий воқеликни ҳаққоний ёритиш, миллий тарихимизни илк бор тиклашдан иборатдир.

Маълумки, мустабид ва сохта коммунистик мафкура асосида ёзилган «тарих»да ўзимизники қолиб, босқинчилар тарихи баён этилган, миллий тарихий воқелик эса сохталаштирилган эди. Шунингдек, унда миллий ўзликни англатувчи, миллий ва Ватан озодлиги ва эрки учун курашган жадидчилик ҳам бутунлай қораланди ва халққа қарши ҳаракат сифатида кўрсатилади.

Шу жиҳатдан олганда, янги тарихнинг янгилигини белгиловчи асосий ижтимоий воқеликлардан бири жадидчиликдир. У Ватан тарихида XIX — XX асрларнинг оралиғида пайдо бўлиб ривожланди ва 30-йилларнинг охиригача ташкилий ва уюшган фаолият кўрсатди. Унинг асосий тарихий хизматлари ижтимоий ва маданий ислоҳотчилик, халқимизда миллат, озодлик ва истиқлол ғояларини ҳамда ўзлигини англашни тарбиялаш, миллий уйғонишга асос солиш, коммунистик босқин ва истибдодга қарши кўтарилган умумхалқ, босмачилик урушининг ғоявий асосини ҳамда миллий замонавий давлатчиликни ташкил этишдан иборат бўлди.

Бундай ижтимоий ва маданий ҳамда демократик куч-қудратга эга бўлган жадидчилик Хива хонлиги ҳудудида ҳам ўз маҳаллий шароитига мос хусусиятларга эга бўлган ҳолда фаолият юритди. Туркистон ва Бухородан фарқли ўлароқ, Хивада жадидчилик бироз кейинроқ шаклланди. Унинг асосчилари Ҳусайнбек Матмуродов, Бобоохун Салимов, Полиёз ҳожи Юсупов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов ва бошқалар бўлди.

Бу илғор руҳдаги кишилар Асфандиёрхоннинг рус подшоси мустамлакачилик сиёсати билан уйғунлашган зулмига қарши курашиш мақсадида 1917 йилда «Ёш хиваликлар» ташкилотига асос солинди. Хон бир томондан Россия подшоси олдида қўғирчоқ бўлса, иккинчи томондан ҳар хил солиқларни кўпайтирар, айни пайтда маиший бузуқлик йўлига кириб кетганди.

Асфандиёрхон фармонига кўра унинг ҳарамига келтирилган гўзал қизлардан иккитаси ўлим топиши муносабати билан 3 мингга яқин халқ оммаси 1916 йил январида қўзғолон кўтаради. Унга жадидлар раҳбарлик қилиб, Хива шаҳрига катта таҳдид солади. Шундан сўнг Асфандиёрхон уларни тинч музокарага чақиришга мажбур бўлади. Очиқ музокара пайтида қўзғолон сардори Ҳусайнбек Матмуродов мамлакат Қози калони Бобоохун Салимовга шундай савол беради: «Бобохон эшон! Хон ҳазратларининг ҳар бир қишлоқ ва овулга куёв бўлиши кераклигини қайси китобдан топиб бера оласиз?»

Бунга жавобан шариат ҳомийси: «Муқаддас китобимизда бундай гап йўқ», — деб хондан ўз хатосига иқрор бўлишини сўрайди. Шунда ғазабланган хон музокара қатнашчиларини ҳибсга олади, генерал-лейтенант С. А. Галкин қўмондонлигидаги Рус армияси ёрдамида қўзғолонни бостиради ва қўзғолончиларга 554 минг жарима солади.

1917 йил февралда мустабид Рус подшоси тахтдан ағдарилади. Тез орада хонликдаги рус аскарларининг ҳам шўролари ташкил топади. Тарихий вазият тақозоси билан «Ёш хиваликлар» шўролар ёрдамида хонга тазйиқ ўтказишга мажбур бўладилар. Ниҳоят, Б. Салимов раҳбарлигидаги «Ёш хиваликлар» қўмитаси томонидан ёзилган манифестга 1917 йил 5 апрелда Асфандиёрхон имзо чекишга мажбур бўлади. Бу ҳужжат асосида Хивада хоннинг бошчилигида конституцион монархия қарор топади. Сайлов асосида 30 дан 50 тагача аъзоси бўлган ноиблар мажлиси ва нозирлар кенгаши ташкил топади.

8 апрелда бўлган ноиблар мажлисининг биринчи йиғилишида мажлис раиси қилиб Б. Салимов, нозирлар кенгашининг раислигига эса Ҳ. Матмуродов сайланади. Хонликда вақф мулки, хусусий мулк ва подшолик ерларининг дахлсизлиги сақланиб қолади. Давлат хазинасининг кириш ва чиқишлари устидан назорат ўрнатилади. Шариат судлари эса давлат таъминотига ўтказилади, жадид мактаблари очила бошлайди.

Шундай қилиб, қонун чиқарувчи Мажлис ҳам, нозирлар кенгаши ҳукумати ҳам «Ёш хиваликлар» қўлига ўтади. Маълум маънода жадидлар ҳокимияти ўрнатилади. Хоннинг якка ҳукмронлиги чекланади. Аммо бу ғалаба бор-йўғи 7 ой умр кўради. Хон Россия Муваққат ҳукуматининг Хивадаги вакили ёрдамида Б. Салимовнинг Хивада йўқлиги пайтида мажлис ва ҳукуматга қарши фитна уюштириб, жадидларнинг 17 вакилини қамоққа олади. Уларнинг озгина қисмигина қочишга уринади. Қолганлари эса отиб ташланади. «Ёш хиваликлар» таъқиб остига олинади. Б. Салимовнинг боши учун хон катта миқдорда тилло ваъда қилади. Унинг синглиси Уллижонбий тутиб олиниб, қийнаб ўлдирилади.

Мана шундай қилиб жадидлар энди яширин фаолият юритишга, муҳожирликка кетишга, Амударёнинг ўнг соҳилидаги рус аскар депутатлари томон ўтиб кетишга мажбур бўладилар. Бу пайтда шундай бир тарихий вазият пайдо бўладики, жадидларнинг орасида рус инқилобига ишонч шаклланa боради. Рус социал-демократик ҳаракати, айниқса, большевикларнинг шиори жадидларни ўзига тортади. Жадидларда ўз мақсадларига рус инқилоби орқали эришиш умиди туғилади. Бу умид, албатта, алдамчи эди. Уни уларнинг ўзлари ҳам кейинчалик тушунадилар. Асфандиёрхон рус муваққат ҳукуматининг жазо бўлинмалари ёрдамида мамлакатдаги норозиликларни бостиради. Бебош жадидларни жазолайди, мажлисга янги сайлов ўтказади. Унга раис қилиб Ортиқ Охунов сайланади. Нозирлар кенгашининг Бош нозири этиб эса Исоқ Хўжа тайинланади.

Хонликда ўта аянчли вазият юзага келади. Бир томондан рус ҳарбий жазо бўлинмаси қишлоқ ва шаҳарларда тинтув ўтказади. Иккинчи томондан май ойида мамлакат шаҳарларида оч қолганларнинг қўрқинчли исёни авж олади. («Улуғ Туркистон» 1917 й. 27 август).

Буларнинг устига-устак 1916 йилда Афғонистонга ўтиб кетган Жунаидхон ўз йигитлари билан 1917 йил сентябрда қайтиб келиб, Хивага хавф солиб турган шўро ҳокимиятига қарши кураш бошлайди. 1918 йилнинг бошида Асфандиёрхон уни ўз саройига чақириб, босқинчиларга қарши бирга курашиш мақсадида «Сардори карим» — қўшинлар қўмондони қилиб тайинлайди. Шу йил 30 сентябрда эса Жунаидхон Асфандиёрхонни ўлдириб, унинг укаси Саййид Абдуллани номигагина хон деб эълон қилади ва бутун ҳокимиятни ўз қўлига олади.

Мана шундан сўнг коммунист босқинчилари Хивага «ҳарбий-инқилобий» тажаввузни кучайтиради. Бунга жавобан Жунаидхон ҳам ҳарбий тайёргарликни авж олдиради.

1919 йил апрелга келиб, Россия шўро ҳукумати билан хонлик ўртасида тинчлик шартномаси имзоланади. Шу билан 1873 йилдаги Рус — Хива шартномаси ўз кучини йўқотади. Рус шўро ҳукумати Хиванинг мустақиллигини тан олади. Шунга қарамай, рускомфирқаси ва унинг шўро ҳукумати Хива хонлигини босиб олиш мақсадида қўлбола инқилобни тайёрлаш учун ҳар хил иғвогарлик ва тарғибот-ташвиқотни кучайтириб боради.

1917 йил охири — 1918 йилнинг бошларида хонликка қарашли Амударёнинг қуйи оқими ва ўнг қирғоқларидаги руслар яшайдиган жойларда шўро ҳокимияти ўрнатилади. Босқинчи Коммунистлар Тўрткўл шаҳрини инқилоб марказига айлантиради. Коммунистларнинг тузоғига илинган бир қатор жадид ва мусурмонлар бу ердаги рус комфирқасига аъзо бўладилар. Ж. Султонмурод эса Тўрткўлдаги ғайримусурмон коммунистик фирқа қошида «Ёш хиваликлар»нинг Тўрткўл қўмитасини ташкил этади. Бу коммунистик ташкилотнинг аъзолари 1919 йилнинг бошларида 600 кишига етади. Шунингдек, бу ташкилот рус комфирқаси ёрдамида 200 кишилик ҳарбий бўлинмани ҳам ташкил этади.

Россия комфирқаси ва шўро ҳукуматининг Туркистондаги «Туркомиссияси» — «Туркбюро»нинг ҳийлаи найранги ва таъсирида «Ёш хиваликлар» ташкилоти аста-секин «инқилобийлаша» боради. Агар олдин у хоннинг абсолют монархиясини Конституцион монархия билан алмаштириш учун курашган бўлса, энди унинг дастури «инқилобийлашди». Дастурда хон ҳокимиятини ағдариш, Хивани аввал Туркистонга, сўнг Россияга қўшиш, хусусий мулкларни тортиб олиш, шунингдек, болаларни текин ўқитиш, текин тиббий хизматни ташкил этиш, мажбурий меҳнатни бекор қилиш кўрсатилди.

1919 йилнинг ўрталарига келиб, «Ёш хиваликлар» қўмитаси Россия комфирқаси таркибига киритилади. Мана шундан сўнг хонликдаги ҳамма ўзгаришлар бевосита унинг кўрсатмаси билан амалга оширилади. Аниқроқ айтсак, Хива халқи тақдирини комфирқа ўзбошимчалик билан ўз қўлига олган. Шўро тарихида 1919 йилнинг кузи ва охирида Хивадаги «инқилобий ҳаракат» янги босқичга кўтарилди, «инқилобий вазият етилди», «халқ инқилоби ғалаба қилди» деб кўрсатилиб рус-коммунистик босқинининг моҳияти тескари талқин қилинди.

Сотимжон ХОЛБОЕВ,
ТошДУ доценти.

(Давоми бор).

Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги «Узэкспоцентр» биносида «Араб дунёси ва Ўзбекистон» мавзусида кўргазмалар намойиш этилди. Унда 40 дан ортиқ компаниялар иштирок этдилар.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

1997 йил - инсон манфаатлари йили

«ҒАМХЎРЛИК» РЕЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги қарорига кўра кексаларга ҳурмат, эҳтиёжмандларга беғараз ёрдам кўрсатиш каби туйғуларни, оилада ва яшаш жойларида катта ва кичик авлод ўртасидаги инсонпарварлик ва одамийликни ривожлантириш мақсадида республика миқёсида йил давомида «Нуроний» жамғармасига вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ғамхўрлик» рейдини ўтказиш топширилган.

Маълумки, рейд Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, ижтимоий-таъминот, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги вазирликлари, «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» бошқаруви, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва республика «Қизил Ярим ой» жамияти Марказий Қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Мазкур рейд жамғарманинг вазирликлар, ташкилотлар, корхоналар ва бошқа меҳнат жамоалари ва маҳаллалардаги жамоатчилик марказлари томонидан ташкил этилган ижрочилари орқали олиб борилаётир. Ижрочилар барча уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳалок бўлган жангчилар оилаларини рўйхатини аниқлаб, шулардан кимлар ва қандай ёрдамга муҳтож эканлигини ўрганадилар. Уларга бериладиган ердам ҳисобини олиб амалга ошириш муддати ва масъулларни кўрсатиб, бажарилишини йил давомида назоратга оладилар.

Чунончи, 1 октябргача олинган маълумотларга қараганда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилган.

Рейд давомида тўпланган маълумотларга қараганда жойларда хайрли ишлар қатори, қатор камчиликлар ҳам борлиги аниқланди:

Наманган вилояти ҳокимининг қарори билан шаҳар ва туманлардаги уруш фахрийларига хизмат кўрсатувчи 65 та дўкон очилди. Уларда 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа арзонлаштирилган саноат моллари сотилмоқда. 3900 нафар фахрийга ташкилотлар томонидан ички қўшимча пенсия белгиланиб, йил бошидан бери 600 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Фахрийлар тиббий кўрикдан ўтказилди, бемор деб топилганлари эса касалхоналарда даволанди.

Жиззах вилояти ҳокимининг қарорига асосан 121 нафар 100 ёшдан ошган кексаларга ва 182 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз қарияларнинг пенсияларига 1 июлдан бошлаб ҳар ойда 500 сўмдан қўшимча нафақа тўланмоқда.Фахрийлар учун Жиззах шаҳри, Дўстлик, Пахтакор, Зомин, Фориш туманларида махсус дўконлар ташкил этилган, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган дўконлар ташкил этилган.

Андижон вилоятида шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳар бир фахрийга ҳомий ташкилотлар, корхоналар, жамоа хўжаликларига уларнинг талабини бажариш учун беркитиб, назоратга олган, 3 та дорихона янгидан очилди. Уруш фахрийларига хизмат кўрсатадиган савдо дўконлари иши эса қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Бухоро вилоятида 100 ёшдан ошган фахрийлар ҳақида Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган «Асрга тенгдош бухороликлар» китобини чоп этиш режалаштирилган.

Тошкент шаҳрида жамғарманинг шаҳар бўлими ташаббуси билан уруш ва меҳнат фахрийлари пойтахт музейларига исталган кунда, барча театрларга ҳар ойда бир марта жамғарма туман бўлимлари рўйхати орқали ва ойнинг охирги шанба кунлари кинотеатрларга бепул кириш имкониятига эга бўлдилар. Шаҳар бўлими Наврўз байрами арафасида уруш фахрийлари госпиталига 30 минг сўм ёрдам пули ажратди.

Рейд давомида айрим жойларда фахрийларга ўз вақтида моддий ёрдам берилмаётганлиги, тиббий, савдо, коммунал хизматлари яхши йўлга қўйилмаганлиги учраётир.

Айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларини керакли дори-дармонлар билан таъминлашда жиддий камчиликлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан беморларга бепул ва имтиёзли рецептлар бўйича дори-дармонлар, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, барча дорихона муассасаларидан берилиши лозим. Лекин бу тартиб республикамизнинг деярли барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тўла амалга оширилаётир деб бўлмайди. Маълумотларга қараганда 57229 фахрий талабномасидан фақат 14 мингга яқини бажарилган. Бунинг асосий сабабларидан бири дорихоналарни бепул ва имтиёзли рецептлар бўйича бериладиган дорилар учун етарли маблағ ажратилмаётганидир. Масалан, Термиз шаҳрида шу масала ҳал бўлмаганлиги сабабли бепул ва имтиёзли рецептлар бўйича фақат биргина 94- дорихона шуғулланди. Бу дорихонага ҳам шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими 25 сентябрга 132 минг сўм қарздор экан. Сурхондарё «Дори-дармон» уюшмасига вилоят соғлиқни сақлаш бирлашмаси қарзи 369 минг сўм, Жиззах вилояти уюшмасига вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қарзи 734 минг сўм, Сирдарё вилояти бўйича 26 млн, Тошкент вилояти бўйича 17 млн. Фарғона вилояти бўйича 50 млн.сўмни ташкил этмоқда. Қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам аҳвол шундай.

Тўғри, республикада «Дори-дармон» уюшмаси бошқаруви раиси Х.Раҳматуллаев дорихоналарни етарли маблағ билан таъминлаш масаласини Молия вазирлиги билан ҳал қилиш арафасида эканлигини билдирди.

Уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахсларни ранжитаётган муаммолар юзага чиқмоқда. Республикада олиб борилаётган ислоҳотлар ва хусусийлаштириш натижасида уларга илгари берилган имтиёзлар ҳеч қандай қонун ва қарорсиз амалга оширилмай қолинмоқда. Илгариги «Ветеран» (фахрийлар) дўконлари республика шаҳар ва қишлоқларидаги фахрийларга яхши хизмат кўрсатаётган эди. Аммо охирги йилларда фахрийлар бундай имтиёздан маҳрум бўлдилар. Рейд давомида баъзи вилоят, шаҳар ва туманларда бу борада бироз чора кўрилмоқда. Барча тиббий муассасалар, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, савдо тармоқларида уруш ва меҳнат фахрийларига навбатсиз хизмат кўрсатиш ташкил этилган бўлиб, тегишли эълонлар осиб қўйилар эди.

«Ғамхўрлик» рейдини ўтказиш муносабати билан республика ижтимоий таъминот вазирлигининг шу йил 29 май 85-сонли буйруғига кўра юқоридаги нохушликларни бартараф этиш ҳамон пайсалга солиб келинмоқда.

Илгари барча савдо дўконларида нон маҳсулотларини бир неча хил турлари билан аҳолини таъминлаш қаттиқ назорат қилинар эди. Жумладан, бир неча хил парҳез (қанд касалликлари учун) қандолат ва нон маҳсулотлари сотилар эди. Дўконларда бу маҳсулотларнинг турлари камайиб, баъзида умуман узилишлар ҳам учраб турибди.

Рейд давом этмоқда. Ишончимиз комилки, амалга ошмай қолган ишлар учраётган муаммолар жойларда ва тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан ижобий ҳал этилади.

Н.АҲМЕДОВ,
«Нуроний» жамғармасининг фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлими мудири

Ҳар тўғрида

ПАҲЛАВОНЛАР МУСОБАҚАСИ

Яқинда Москвада Гиннес китобига кирган рекордчиларнинг юбилей ўйини бўлиб ўтди. Бу мусобақа спортнинг турли соҳалари бўйича янги номларни кашф қилди. Ижевсклик 44 ёшли Иван Шутов чиқишини мусобақанинг юқори нуқтаси деса бўлади. У чинчилоғида 48 кг тошни кўтарди ва қоқилган йўғон михни суғуриб олди. 11 яшар Руслан Осимов ҳам оғирлиги 34 кг бўлишига қарамай, ердан узилиш машқини 5720 марта бажариб жаҳон рекордини ўрнатди. Украиналик Василий Россошик ва Николай Куценколар футбол тўпини ўйнаб, тўрт соатдан ортиқ уни ерга тушишига имкон бермадилар. 12 ёшли ака-ука Костя ва Станислав Ризаевлар эса 100 имкониятдан 81 тасида баскетбол тўпини тўрга аниқ тушириб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

***

УЗОҚ ЯШАШНИНГ СИРИ

Бир асрнинг юзини кўрган Хитойнинг жанубий-шарқий қисмига жойлашган Фуцзянь вилоятида истиқомат қилувчи эр-хотин Ли Гаунхай ва Ван Фанчженьлар яқинда бирга умр кечирганларининг 82 йиллигини нишонладилар. Ҳаётлари осуда, табиий кечганлигидан буни улар пайқамадилар ҳам. Уларнинг бундай узоқ умргузаронлик қилишларининг сири, балки овқатланишга оқилона ёндошганликларидадир. Қариялар кунига уч маҳал овқатланишади. Нонуштага эрталаб 3-4 тухум ва албатта қайнатилган гурунч, пешинда 7-8 бўлак ёғлиқ чўчқа гўшти билан ярим килограммча яхши пиширилган гурунч столда муҳайё. Кечқурун эса кайфият ва таъбга қараб бирор нарса ейишади.

Нима дердик, кайфиятлари баланд, иштаҳалари яхши бўлиб, узоқ умр кечираверишсин.

СПОРТ SPORT

Футбол

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ - ЎЗБЕКИСТОН - 5:1

Ўтган шанба куни пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида жаҳон чемпионати саралаш беллашувларининг Осиё қитъаси «Б» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси Жанубий кореялик футболчиларни қабул қилди. Олдинги ўйинларда Жанубий Корея жамоаси Япония, БАА, Қозоғистон футболчиларини доғда қолдириб «Б» гуруҳда ғолибликка асосий даъвогарлардан бири деб тан олинган эди.

Ҳа, Жанубий Корея ва Ўзбекистон терма жамоалари саралаш баҳсларида иккинчи марта ўзаро майдонда юзлашишди. Биринчи гал Кореяда (ҳисоб 2:1 бўлган эди) бу гал эса Ўзбекистонда. Биринчи бўлим бошларида ҳар икки жамоа ҳимояга нисбатан ҳужумга эътиборни кучайтириб, эҳтиёткорлик билан ўйнашди. Бу «эҳтиёткорлик эса томошабинларни бироз бўлсада зериктириб қўйгандек бўлди. Ўйин давомида нисбатан анча устунликка эга бўлган кореяликлар қарши ҳужум уюштирди ва 19 минутда Йонг Су Чой ҳисобни очди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай (38) Сунг Чул Ю ҳисобдаги фарқни оширди. Ўйин тугашига тўрт дақиқа қолганида Йонг Су Чой чиройли тўп киритиб ҳисобни 3:0 га етказди.

Ўзбекистон-Жанубий Корея учрашувининг иккинчи бўлими биринчи бўлимга нисбатан анча кескин, тезкор курашлар остида бошланди. Йирик ҳисобда мағлубиятга учраётган футболчиларимиз ҳимояси бўшашиб кетди. Жанубий кореяликлар тез-тез дарвозабон билан яккама-якка чиқдилар. Айниқса 10 рақамли майдонда ҳаракат қилган Су Чойнинг аввал оёғи билан, боши билан урган кетма-кет зарбаси дарбозамизга хавф солганлиги мухлисларни ҳаяжонга солди.

14-дақиқада эса чап қанотдан ҳимоячилар ошириб, берган тўпни 7 рақамдаги Йонг Хуан Ю осонгина дарбозага йўллади. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас кореялик футболчилар ҳужумчиларимиздан бирини чалиб йиқитди. Андрей Фёдоров 11 метрлик жарима тўпидан фойдаланиб, ҳисобдаги фарқни қисқартирди.

Кореяликлар 4:1 ҳисобидан қаноатланмадилар шекилли уларнинг навбатдаги қарши ҳужумлари ҳам гол билан якунланди. 26 дақиқада Ким До Хун 5-тўп муаллифи бўлди. Шундай қилиб, футболчиларимиз Тошкентда Корея футболчиларига 5:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди. Ҳа, биз истаймизми, истамаймизми Жанубий кореяликлар тўп суриш бўйича жаҳоннинг энг кучли терма жамоалардандир. Саралаш баҳсларидан олдин улар Бразилия футболчилари билан тенгма-тенг ўйнаганликлари ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Қозоғистон-БАА - 3:0, Эрон-Хитой -4:1, Кувайт-Саудия Арабистони - 1:0

Навбатдаги саралаш учрашувини терма жамоамиз вакиллари 25 октябрь куни Тошкентда Қозоғистон терма жамоаси билан ўтказишади.

Бокс

ЕНГИЛМАС АРТУР

Ҳар сафар тупроғимиздан узоқ ўлкаларда ватанимиз спортчилари шарафига байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда кўзларимиз севинчдан ёшланади. Бундай қувончли лаҳзалар айниқса, Германиянинг Котбус шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мусобақа вақтида тез-тез такрорланиб турди.

Ушбу нуфузли мусобақада муваффақиятли қатнашган ҳамюртимиз Артур Григоряннинг ғалабасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Артур ўзининг чемпионлик унвонига даъвогар бўлган америкалик Дэвид Артон билан рингда ўзаро беллашди. Ниҳоятда шиддатли кечган 12 раундли жангда Артурнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Ўз навбатида Артон ҳам кескин қаршилик қилди. Бироқ бунда тажрибали боксчимиз Артур Григорян аниқ ҳаракат қилиб, ўзи учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган ғалабани қўлга киритди. Шундай қилиб, профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони Артур Григорян ўз унвонини тўртинча марта ҳимоя қилиб, рингдаги ғалабалар сонини 23 тага етказди.

Шахмат

КАСПАРОВНИНГ ЯНА БИР МАҒЛУБИЯТИ

Спорт ишқибозларига машҳур шахматчи Гарри Каспаровни таништириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Негаки, у узлуксиз равишда чемпионлик унвонини сақлаб қолмоқда. Бироқ бошқа соҳаларда бўлгани сингари спортда ҳам кутилмаган натижалар содир бўлиб туради. Яқинда Голландиянинг Тилбурги шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада Гарри Каспаров ҳам иштирок этди. Афсуски, чемпион ҳеч кутилмаганда Санкт-петербурглик Петр Свидлерга имкониятни бой бериб қўйди. Чемпионга мағлубият қаттиқ таъсир қилди, шекилли, у навбатдаги 8 турда голландиялик Иорун Пикетни доғда қолдирди. Мана сизга дунёга ҳеч ким устун бўла олмаслигига яна бир мисол.

Улуғбек ЖУМАЕВ

Халқаро шарҳ

ЯҚИН ШАРҚ: МУРОСА ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Бундан саккиз ой илгари — шу йилнинг мартида тўхтаб қолган Исроил-Фаластин тинчлик музокаралари яна юришиб кетадиганга ўхшаб қолди. Албатта, қатъиян шундай бўлади деб айтишдан йироқмиз. Чунки икки томоннинг ҳал этилмаган кўплаб муаммолари бўлиши билан бирга, Исроил босиб олган араб ерларида ҳамон жиддий тўқнашувлар бўлиб турибди. Айниқса, Қуддус шаҳрида яҳудийлар учун турар жойлар қурилиши айрим ислом жангари гуруҳларининг қатъий қаршилигига учраган ва улар томонидан исроилликларга қуролли ҳужумлар уюштирилган эди. Бундай террорчилик ҳаракатларининг аксари «Ҳамас» ташкилоти чекига тушган эди. Яқин Шарқ можаросини ҳал этишга қанча ҳаракатлар қилинмасин, уларнинг барчаси бефойда булар, халқаро воситачилар ҳам қарама-қарши томонларни муросага келтиролмаётган эдилар. Жумладан, АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним ҳамда шу давлатнинг Яқин Шарқдаги вакили Денис Росс ва бошқалар Исроилни ҳам, Фаластинни ҳам тинчлик музокараларини бошлашга мажбур эта олмаган эдилар. Фаластинликлар Исроилдан Қуддусда яҳудийлар учун уйлар қурилишни тўхтатишни талаб қилса, Исроил ҳукумати Фаластин раҳбариятидан террорчиликни тугатишни талаб қилиб келмоқда эди. Бу келишмовчилик оқибатида узоқ вақт чўзилиб кетган Яқин Шарқ зиддияти халқаро ҳамжамиятнинг жиддий ҳавотирига сабаб бўлмоқда.

Ана шу можарони тинчлик йўли билан ҳал этиш сари шу кунларда муҳим қадамлар қўйилмоқда. Бу қадамларнинг энг хайрлиси — Исроил ҳукумати ҳам, араблар ҳам ўзаро муроса йўлини излаб қолдилар. Жумладан, яқинда «Ҳамас» ислом жангарилари ташкилотининг асосчиси ва раҳбари Шайх Аҳмад Ясин Исроил ҳукумати томонидан озод этилди. Шайх Аҳмад Ясин Исроил қамоқхонасида тўққиз йил ҳибсда сақланган эди. Унинг озод этилиши Яқин Шарқдаги адоватни бир оз бўлса-да, юмшатишга хизмат қилиши шубҳасиз эди. Шундай бўлди ҳам. Шайх Аҳмад Ясин шу кунларда «Ҳамас» ташкилоти Исроилга қарши ҳатти-ҳаракатларини тўхтатиши мумкинлиги ҳақида баёнот берди. Албатта, бунинг учун Исроил қўшинлари босиб олинган араб ерларидан чиқиб кетишлари кераклигини таъкидлади. Шунингдек, Шайх Аҳмад Исроил қамоқхоналаридаги Фаластинликларнинг озод этилишини ҳам талаб этмоқда. «Ҳамас» ташкилоти раҳбарининг бу баёноти Яқин шарқда тинчлик ўрнатиш йўлида амалга оширилиши керак бўлган «Ер эвазига тинчлик» номли жараёнга биринчи бўлиб туртки бериши бўлди. Бу тамойил, яъни Исроил тарафидан босиб олинган араб ерларининг озод этилиши ва бунинг эвазига араблар томонидан содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг тугатилиши можаронинг бартараф этилишига олиб келади деб ҳисобланмоқда эди. Мана шу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш йўлида «Ҳамас» ташкилоти муҳим қадам қўйди. Айтиш керакки, ўз навбатида Исроил ҳукумати ҳам бу борада муҳим ишларни амалга оширди. Шайх Аҳмад Ясин озод қилинишининг ўзи Исроил муроса йўлига кириш тарафдори эканлигини кўрсатди. Шунингдек, Исроил раҳбарияти қамоқхоналардан ўнта Фаластинлик тутқунни озод этди.

Исроил-Фаластин муносабатларининг бошқа соҳаларида ҳам баъзи жонланишлар сезилмоқда. Минтақада тинчлик ўрнатишнинг турли масалалари билан шуғулланувчи Исроил-Фаластин комиссияларининг мажлислари яна ўтказила бошланди. Бу мажлисларда Фаластин мухторияти ҳудудларини кенгайтириш, минтақада барқарорлик ўрнатиш, яҳудийларга қарши террорчиликнинг олдини олиш каби муҳим масалалар кенг муҳокама этилади. Шунингдек, Ғазо минтақасида халқаро аэропортнинг очилиши ҳам кўзда тутилмоқда. Томонлар бу борада ҳам муросага келиш истагидалар. Бугунга қадар бу аэропортнинг очилишига ҳар икки томоннинг келишолмаётгани тўсиқ бўлмоқда эди. Исроил янги аэропортни бутунлай ўз назоратига олишни истаса, фаластинликлар унга аэропортнинг фақат бир қисмини бериш ниятида эдилар. Қисқаси, шу кунларда Исроил ва Фаластин томонлари ана шу муаммони ижобий ҳал этиш ва Ғазо минтақасида тезликда аэропорт ташкил этишга эришиш ниятидалар.

Албатта, Яқин Шарқ можаросини бартараф этишда муроса йўлининг танланишига яқинда бўлиб ўтган Исроил Бош вазири Нетаньяху билан Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафот ўртасидаги учрашув ҳам сабаб бўлган. Энг муҳими, исроилликлар ҳам, Фаластинликлар ҳам бир-бирларига нисбатан ишонч билдирган ҳолда, бир томонлама ҳатти-ҳаракатлардан қочиб иш кўрмоқдалар. Халқимизда яхши мақол бор: «Қарс икки қўлдан чиқади». Яратганга шукрки, Исроил ва Фаластин томонлари Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлида ана шу мақолга амал қилишни афзал кўрдилар.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи

Автотранспорт хизмати муаммолари

АВТОБУСЛАР ЯНА БЕКАТГА ҚАЙТДИ...

1995 йилнинг баҳорида қурик вилоят маркази - Жиззах шаҳрининг шимолий томонида «Олмазор» деҳқон бозори яқинида «Олмазор» автобошбекати қурилиб, ишга туширилганда ҳамма хурсанд бўлган эди. Замонавий меъморчилик услубида бунёд этилган бу ҳашаматли бино қадимий шаҳар ҳуснига-ҳусн, кўркига-кўрк қўшганлиги шубҳасиздир. Бу ажойиб бино қурилишига 1 миллион 200 минг сўм миқдорида маблағ сарфланди. Улкан бино газлаштирилди.

Автобошбекат биноси ва автобуслар тўхтайдиган майдон яқинида Жиззах шаҳрининг «Олмазор», «Зилола», «Оққўрғонлик» ва «Халқобод» маҳаллалари жойлашган. Бу маҳаллаларда истиқомат қилувчи тадбиркор ва тижоратчи фуқароларга янги барпо этилган «Олмазор» бошбекатига келиб-кетувчи йўловчиларга, автобусларнинг шофёрларига ҳамда автобекат ходимларига савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиб, шу ҳисобдан даромад олиш иштиёқи туғилганлиги табиий ҳолдир. Шунинг учун ҳам улар автобекат биноси ва майдони атрофида илгаридан фойдаланмай бўш ётган ерларда ўз маблағлари (шахсий жамғармалари) ҳисобидан турли хил дўкон ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш нуқталарини қура бошладилар. Булар -кўркам, замонавий услубда қурилган ва қурилаётган аралаш моллар, тайёр кийимлар ва хўжалик моллари дўконлари, миллий таомлар ошхонаси, 2 та кабобхона, икки қаватли, 100 ўринли чойхона, гўшт, музқаймоқ, газли сув дўконлари, пивахона, дорихона, тикувчилик цехи ва бошқалардир.

Аммо, минг афсуски, ўтган йилнинг ноябрида автотранспорт хизматини ташкиллаштириш учун бевосита масъул бўлган мутасадди раҳбарларнинг хоҳиши-иродаси билан Жиззах шаҳри кўчаларида қатновчи маршрутли автобуслар ва таксиларнинг «Олмазор» автобошбекати майдонига кириши ноқонуний равишда тўхтатиб қўйилди. Ҳатто чулқуварлар шаҳри бўлган Пахтакор шаҳрига, Дўстлик ва Гагарин шаҳарларига, Учтепа шаҳарчасига қатнайдиган автобуслар ҳам бу ерга кирмайдиган бўлди. Илгарилари мазкур автобекат хизматидан фойдаланувчи маршрутли автобуслар (шаҳар ички маршрутлари бўйича қатнайдиган автобуслар бу ҳисобга кирмайди) сони 12 тадан 2-3 тага тушиб қолди. Бу ҳол Жиззах шаҳрининг шимолий дарвозаси ҳисобланган «Олмазор» бош бекатидан узоқ-яқин шааҳарлар ва туманларга борувчи йўловчилар учун катта ташвиш ва қийинчиликлар туғдирди. Шунингдек, автобекат атрофида хусусий корхона ва дўконлар қуриб олган тадбиркорларнинг йўловчилар ва шофёрлар билан қиладиган савдо-сотиқларидан келадиган пул даромадлари кескин камайиб, улар учун касодга учраш хавфи туғилди. Табиийки, бу ҳол тижоратчи дўкондорларни ташвишлантирмасдан қолмасди.

Шу боис йўловчилар ва уларга пулли хизмат кўрсатадиган тижоратчи тадбиркорларнинг катта бир гуруҳи автобошбекат хизматини яхшилашга, автобекат майдони атрофида фаолият кўрсатаётган хусусий дўконларга зарур шароитлар яратиб беришга ёрдам кўрсатишларини, бунинг учун эса, биринчи навбатда шаҳар ички маршрутларида ва шаҳар атрофи йўналишларида қатнайдиган автобуслар ва маршрутли таксиларни «Олмазор» автобошбекатига кириб-чиқишларини таъминлашларини сўраб, Жиззах шаҳар ва вилоят ҳокимликларига ариза ва илтимосномалар билан мурожаат этдилар. Автобекат ёнидан ўтадиган Жиззах-Учтепа-Пахтакор-Дўстлик-Гагарин- магистрал йўли четида ДАН пости қурилишни талаб этдилар. Аммо, уларнинг талаб ва истаклари ҳадеганда амалга ошавермади.

«Олмазор» автобошбекатига автобуслар ва маршрутли такси машиналарини қайтариш муаммосини ижобий ҳал этиш жараёни узоқ вақтга чўзилиб, роппа-роса бир йил давом этди. Мутасадди раҳбарлар жамоатчиликнинг, йўловчилар ва тижоратчи тадбиркорларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар.

Яқинда Жиззах шаҳар ҳокимининг шаҳар ичида ва шаҳар атрофидаги туман ва қишлоқларга қатновчи автобусларнинг ҳамда маршрутли таксиларнинг мажбурий тартибда «Олмазор» автобошбекати майдонига кириши, йўловчилар бу ердаги чиптахоналардан чипта сотиб олганларидан кейингина автобусларнинг ҳаракат жадвалида белгиланган йўналишлар бўйича ўз вақтида жўнашини таъминлаш ҳақидаги фармойиши қабул қилинди.

Шаҳар ҳокимининг фармойишига кўра ДАН ходимлари «Олмазор» бозори дарвозаси ёнида маршрутли автобус ва таксиларнинг узоқ тўхтаб туриши ман этилганини билдирадиган махсус тақиқловчи белги ўрнатдилар. Бинобарин, яқиндан бошлаб барча маршрутли автобус ва таксилар фақат «Олмазор» автобошбекати майдонида охирги бекат сифатида тўхтаб турадиган бўлди. Шундай қилиб, салкам бир йилдан буён ҳал этилмай сунъий тўсиқлар таъсирида атайлаб чўзилиб келинган долзарб муаммо ниҳоят ижобий ҳал этилди. Ўтган йилнинг ноябрида янги, замонавий автобекатни ўзларича тарк этган автобуслар ва маршрутли таксилар яна автобекатга қайтарилди. Бироқ ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган бу муҳим чора-тадбир бундан бир йил бурун амалга оширилиши мумкин эди. Агар шундай қилинганида, «Олмазор» автобошбекатининг хазинасида кунлик тушум миқдори 11-12 минг сўмдан 3 минг сўмга тушиб қолмаган бўларди-да.

- Маршрутли автобуслар бошбекатимизга қайтарилганидан буён бу ердаги аҳвол аста-секин ўнгланиб, яхшиланиб боряпти,- деди автобошбекат бошлиғи, касаба уюшмаси аъзоси Алишер Абдураимов биз билан суҳбатда. - Мавжуд 2 та чиптахона орқали ҳар куни йўловчиларга 7500-8000 сўмлик чипта сотяпмиз. Бундан ташқари бу ерда кунига 1400-1500 сўмга юк чипталари сотилмоқда. Ҳозирги пайтда автобекатимиздан «Жиззах-Тошкент» йўналиши бўйича иккита, «Жиззах-Пахтакор» йўналиши бўйича иккита, «Жиззах-Ғаллаорол», «Пахтакор-Мусақул Оролов номли хўжалик» (Фориш тумани), «Жиззах-Қорабадал», «Жиззах-Накурт», «Жиззах-Чимқўрғон» йўналишлари бўйича биттадан маршрутли автобуслар мунтазам қатнаяпти. Бу автобусларга чиқадиган кўп сонли йўловчиларни ўз вақтида жўнатишни таъминлашда автобекат чиптачиси, меҳнат фахрийси Баҳром Қобилов ва йўлловчи-назоратчи Олим Нарзиқуловларнинг хизмати катта булаётир. Автобусларнинг автобошбекатимизга вақтида келишини таъминлашда шаҳардаги 20-сонли автобус саройи жамоасининг амалий ёрдам ва мададларини ҳар куни сезиб, ҳис этиб турибмиз.

Анвар ИМОМОВ,
Жиззах шаҳри

Бош муҳаррир:
Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАҒАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2. ҳажми 2 босма табоқ